



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШҲТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ



## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 июль куни пойтахтимиздаги Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши йиғилишининг тадбирларида иштирок этаётган ШҲТга аъзо давлатлар делегацияларининг раҳбарларини қабул қилди.

Учрашувда Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Субраманьям Жайшанкар, Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — ташқи ишлар вазири Мухтор Тлеуберди, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, ташқи ишлар вазири Ван И, Қирғиз Республикаси ташқи ишлар вазири Жээнбек Кулубаев, Покистон Исломи Республикаси ташқи ишлар вазири Биравал Бхутто Зардарий, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сироҷиддин Муҳриддин, шунингдек, Ташкилот бош котиб Чжан Мин ва ШҲТ Минтақавий аксилтерор тузилмаси Ижроия қўмитаси директор Руслан Мирзаев иштирок этди.

Кўп томонлама ҳамкорлигининг устувор вазифалари ва ШҲТни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Ўзбекистоннинг бирлашмага раислиги давомида ўтган даврда биргаликда амалга оширилган ишлар натижалари ҳамда жорий йил сентябрь ойида Самарқандда ўтказилган саммит кун тартибига алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятта молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари ШҲТ мамлакатлари вазирларига мурожаат қилар экан, бугун дунё оқибатларини прогноزلатиш қийин бўлган, олдидан айтиб бўлмайдиган туб трансформация жараёнларини бошидан кечираётганини таъкидлади. Глобал миқёсда ишонч ва ўзаро англашув тақчиллиги тобора ўткир сезилмоқда.

Ўзбекистон етакчиси аънаванавий кооперация ва логистика занжирлари бўзилаётгани, жаҳон мамлакатларининг аксариятида озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги соҳасидаги вазият кескинлашиб, инфляция кўрсаткичлари шиддат билан ўсаяётгани, ижтимоий-иқтисодий аҳвол ёмонлашиб бораётганини кўрсатиб ўтди.

Бундай мураккаб шароитда хавфсизлик ва барқарор тараққиётга таҳдид солаётган замонавий хатарларга мос равишда чора кўриш учун саъй-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштириш ва кўп томонлама асосда яқиндан ҳамкорлик қилишга эҳтиёж кучайиб бормоқда.

ШҲТга ва ушбу ташкилот билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйишга қизиқиш ортиб бораётгани ҳам бежиз эмас. Бугунги кунда ўндан ортик мамлакатдан

ташкилот фаолиятида у ёки бу мақомада иштирок этиш бўйича келиб тушган аризалар кўриб чиқилмоқда.

Президентимиз ШҲТ ўзининг сиёсий, иқтисодий ва илмий-интеллектуал салоҳиятига кўра энг қудратли бирлашмалардан бири эканини қайд этди. Ташкилот мамлакатлари ҳиссасига жаҳон ЯИМнинг қарийб чорак қисми ва сайёрамиз аҳолисининг ярми тўғри келмоқда.

Ўзбекистоннинг ШҲТга раислигига тўхталар экан, мамлакатимиз етакчиси 70 дан зиёд йирик тадбир муваффақиятли ўтказилганини мамнуният билан қайд этди. Самарқанд саммити якунида қабул қилиниши кўзда тутилган 28 та ҳужжатни келишиш жараёни қарийб аянди.

Минтақа ичидаги савдони, саноат кооперациясини рағбатлантириш, транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлик бўйича концепция ва дастурлар шулар жумласидан. “Яшил” иқтисодиёт, инновациялар, рақамли технологиялар, логистика, қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги қўшма лойиҳа ва тадбирлар ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ШҲТни янада ривожлантиришнинг қатор принципал

жиҳатларини белгилаб берди. Булар — Ташкилотнинг ҳеч қандай блокларга қўшилмаслик мақомини сақлаш, янги хатар ва таҳдидларга қарши курашиш бўйича салоҳиятини кучайтириш, Марказий Осиёнинг ШҲТнинг “географик ўзаги” сифатидаги ўрнини сақлаб қолиш, трансминтақавий ўзаро боғлиқлик лойиҳаларини илгари суриш ҳамда Афғонистоннинг минтақадаги иқтисодий жараёнларга янада фаол жалб қилиш.

Учрашув якунида ШҲТ мақомида мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини, кенг қўламли ҳамкорликни янада мустақамлашга Ўзбекистоннинг интилиши қатъий экани яна бир бор қайд этилди.

Юқори мартабали меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, ўз мамлакатлари етакчиларининг саломи ва энг эзгу тилақларини етказдилар.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ПРЕЗИДЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МУТАХАССИСЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 29 июль куни Юқори Чирчиқ туманидаги “Astrum” IT академиясига ташриф буюриб, ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари ва ёшлар билан учрашди.

Дунёда ахборот технологиялари шиддат билан ривожланмоқда. Жаҳонда унинг ўсиш суръатлари йилга 10 фоизни ташкил этиб, бу йил жами 4 триллион 300 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Ушбу бозорда мустақам ўрин эгаллаш учун мамлакатимизда катта ишлар бошланган. Сўнгги беш йилда соҳага 2 миллиард доллар, шу жумладан, 700 миллион доллар тўридан-тўғри инвестициялар йўналтирилган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барча ҳудудларда IT-парклар очилиб, улар учун алоҳида солиқ режими жорий этилди. Бу орқали 14 минг нафар ёшлар юқори даромадли иш билан таъминланди. Бундан ташқари, ўзини ўзи банд қилган IT мутахассислар сони йил бошидан 2,5 баробарга ўсиб, 43 минг нафарга етди.

Энг асосийси, IT касбларни эгаллаш ёшлар ўртасида тренда айланди. Мактаб, лицей, коллеж, техникум ва университетларда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўзида мамлакатимизда 134 та янги, жумладан, 50 та хорижий IT компаниялар ташкил этилди, экспортёр корхоналар сони эса 2 баробарга ошди. Хизматлар ҳажми ва тури ҳам кўпайди.

Соҳа учун инфратузилма яратилиб, сифат яхшиланаётгани бунда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, сўнгги уч йилда мобиль интернет нархи 9 баробарга арзонлашди. Мамлакатимиз бу борадаги халқаро рейтингда 68-ўридан 15-ўрига кўтарилди.

— Келгуси беш йилда мамлакатимизда ахборот технологиялари хизматлари экспортини 1 миллиард долларга етказишни режа қилганмиз. Агар ёшларни бу касбга ўқитишни тўғри йўлга қўйсак, уларни сифатли инфратузилма, компьютер ва кафолатли буюртма билан таъминласак, бу маррага бемалол эришамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун 4 та масалани ҳал этиш лозимлигини таъкидлади.

Биринчиси, интернет қамрови ва сифатини кескин ошириш. Чўки ҳозир ҳудудларни тезкор интернет билан қамраб олиш даражаси 70 фоиз атрофида. 118 та қишлоққа интернет ҳам, мобиль алоқа ҳам кириб бормаган.

Иккинчиси, ахборот технологияларига иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш. Бугунги кунда ёшларнинг “стартап” ларига атиги 10 миллиард сўм грант ажратилган. Компьютер билан таъминлаш ишлари етарли эмас.

Учинчиси, барча соҳаларда рақамлаштиришни биринчи навбатдаги вазифалар қаторига олиб чиқиш. Бу борада ҳукумат, қатор вазирлик ва компанияларда тизим бор. Лекин Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Ветеринария қўмитаси, “Ўзбекистон темир йўллари” ҳамда “Ўзгросуғурта” компанияларида аҳвол суст.

Тўртинчи муҳим масала ҳудудларда ёшларни экспорт бозорларига чиқишига кўмаклашидир. Хусусан, хорижий корхоналар ёшларимизга ишонч билдириб, жорий йилнинг ўзида 100 миллион долларлик хизматларга буюртма берган. Лекин маҳаллий корхоналаримиз буюртмалари бундан анча кам.

Иккинчи очик мулоқот тартибда ўтди. Аввал ахборот технологиялари ривожлантириш вазири Ш.Шерматов соҳадаги муаммоларни ва улар юзасидан таклифларини айтди. Учрашув иштирокчилари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Давлатимиз раҳбари мутахассис ва ёшларнинг таклифларини қўллаб-қувватлаб, мутасаддиларга тегишли қарор лойиҳаларини ишлаб чиқишни топширди.

— Бу масалалар — бугунимиз, келажакимиз, айниқса, ёшларимизга муносиб иш ўринлари яратиш учун катта замин, — дея таъкидлади Президент.

Ушбу мулоқот ўтказилган “Astrum” IT академиясига юзлаб ёшлар замонавий дастурлаш кўникмаларини эгаллаб, ўқиш давомидаёқ даромад топмоқда. Давлатимиз раҳбари бундай масканларни бошқа ҳудудларда ҳам ташкил қилиш зарурлигини айтиб, бу борадаги ташаббуслар ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни билдириди.

Видеоселектор орқали вилоят ҳокимлари, ҳудудлардаги мутахассислар билан ҳам мулоқот қилинди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!  
Қадри дўстлар!

Авалло, Сизларни, бутун Ўзбекистон халқини 30 июль — Халқлар дўстлиги куни билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Кўп миллатли халқимизнинг мустақиллик йилларида эришган энг катта буюмларидан бири — “Ўзбекистон — умумий уйимиз” деган широк осуда мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва аҳилликни сақлаш олганимиз ҳисобланади, десак, адашмаган бўламиз.

Бизнинг барча ютқларимиз — у хоҳ ташқи ёки ички сиёсатда бўладими, хоҳ иқтисодий ёки маданий-гуманитар соҳаларда бўладими — қўлга киритаётган муваффақиятларимиз замирида жамиятимиздаги осойишталик ва тотувлик ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқимизда “Тинч элнинг боғи гуллар”, деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Мана шу тинчлик бор экан — тараққиёт мавжуд. Мана шу тотувлик бор экан — келажакимиз ҳам, албатта, ёруғ бўлади.

Барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз, ҳозирги глобаллашув даврида жаҳонда мурасиз рақобат, қуролли тўқнашувлар, мафқуравий низолар, аҳоли, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун курашлар, терроризм, экстремизм, сепаратизм, одам савдоси каби таҳдидлар аёвсиз тус олмоқда.

Иқтисодий инқироз, айниқса, коронавирус пандемияси натижасида турли хавф-хатарлар тобора кучайиб, инсонлар ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик, раҳм-шафқат, меҳр-оқибат каби муқаддас қадриятларга

раҳна солаётгани, табиийки, барчамизни ташвишга солади.

Мана шундай мураккаб замонда доимо оғоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, бебаҳо бойлигимиз бўлмиш барқарорликни сақлаш, жамиятимизда кўп миллатли катта ягона оила туйғусини кучайтириш қанчалик муҳим ва долзарб аҳамият касб этиб бораётганига ҳаммамиз гувоҳимиз.

Шу маънода, бу йил жонажон Ўзбекистонимизда иккинчи бор нишонланаётган Халқлар дўстлиги куни яхши аънамага айланди, эл-юртимиз ўртасида ҳамжихатлик, ўзаро тотувликни таъминлаш ва дўстлик алоқаларини ривожлантиришда бекиёс ўрин тутди, деб ишонамиз.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ФАОЛЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни, турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжихатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳитини мустақамлаш, миллий маданиятлар, урф-одат ва аънаваларни сақлаш ҳамда ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, хорижий давлатлар билан икки томонлама манфаатли муносабатлар ва маданий-маърифий алоқаларини янада кенгайтириш, Янги Ўзбекистоннинг тинчликсевар ва халқпарвар сиёсатини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш борасидаги катта хизматлари, ёш авлодни ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида

тарбиялаш йўлидаги ибратли ишлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

## “Меҳнат шўҳрати” ордени билан

Усманов Наил Каюмович — Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети-нинг гидромелиоратив ишларни механизациялаш кафедраси доценти Шарофидинов Сувҳидин — Сўх тумани нурунийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли, Фаргона вилояти

## “Дўстлик” ордени билан

Авазов Эргаш Хидирбердиевич — Республика туркман миллий маданий марказининг Сурхондарё вилояти бўлими раиси

Аджиосман Закир Сабриевич — Тошкент шаҳридаги “Авдет” крим-тарларлар миллий маданий маркази раиси ўринбосари

Адилбаев Жанабай — Қораўзақ туманидаги “Қуралпа” овул фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

## Бошланиши 1-бетда

Муҳтарам юртдошлар!  
Бугунги кунда саховатли заминимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари аҳил-иноқ яшаб келмоқда, таълим 7 тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида олиб борилмоқда. Эътиборли жиҳати, қардош тилли мактабларда ўқибган фарзандларимиз давлат ҳисобидан дарслик ва бадиий адабиётлар билан тўлиқ таъминланмоқда.

Инсон кадрини улуғлашга қаратилган туб илоҳотларимиз, хусусан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида жамиятимизда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш вазифаси устувор мақсад сифатида белгиланган.

Барча ҳудудларимизда “Дўстлик уйлари” ташкил этилиб, уларнинг фаолияти ҳар томонлама кўллаб-қувватланмоқда. Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ушбу хайрли режалар учун зарур маблағларни йўналтирмоқда, турли субсидия ва грантлар ажратилмоқда.

Миллий маданий марказларнинг моддий-техник базаси яхшиланиб, уларга давлат томонидан замонавий техник ускуналар, мебель жиҳозлари, миллий либослар тақдим этилмоқда.

Марказий Осиёдаги кўшни мамлакатлар билан дўстона алоқалар қайта тикланиб, азалий ришталарнинг мустаҳкамланиши халқимизнинг хоҳиш-истаклари, озуқуларини ўзида ифода этмоқда.

Биз ягона Ватан тўғрисида асраб-авайлаш, ёш авлодга мана шу руҳда камол топтириш борасида самарали фаолият олиб бораётган Нодира Джанибекова, Нургул Базарбаева, Қалдибек Сейданов, Феруза Халдарова, Гулдана Аведурдиева, Фирдоуси Гусейнов, Сергей Миронов, Зиновий Новицкий, Умар Салманов, Галина Шин, Тамара Акилова, Минсилу Кулиева, Леким Ибрагимов, Вера Бабицкая ва бошқа турли миллат вакиллари номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Бу йил ҳам юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ ватандошларимиз юксак унвон, орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Фурсатдан фойдаланиб, мукофотланган юртдошларимизни ўз номидан, бутун халқимиз номидан табриклаб, уларга сийҳат-саломатлик, чексиз куч-ғайрат, оилавий бахт ва саодат тилайман.

Азиз дўстлар!  
Бу йилги байрамда ҳам сизларни қизиқарли кўргазмалар, мулоқотлар, ижодий фестиваллар, концертлар, форумлар, анжуманлар, дўстлар дийдори кутмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда асрлар давомига шаклланган миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик ва қардошлик, ўзаро меҳр-оқибат, тинчлик ва барқарорлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонаман.

**Барчамиз учун Ватан битта. Биз — Ўзбекистон деган жаннатмақом юртинг фарзандларимиз. Бизнинг — шу табарруқ заминда яшаётган ҳар бир миллат вакиларининг ўтмишимиз ҳам, бугунги тақдиримиз ва келажакимиз ҳам бир. Бизни улуг ва муштарак мақсад бирлаштириди. У ҳам бўлса, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигидир.**

**Мана шу зғу ният йўлида қалол меҳнат қилаётган ҳар бир юртдошимиз Ўзбекистонда ўзининг бахту саодатини албатта топади. Бунинг учун давлатимиз, жамиятимиз бор куч ва имкониятларини сафарбар этади.**

Сизларни Халқлар дўстлиги куни билан яна бир бор самимий табриклайман.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, хондонларингизга тинчлик-хотиржамлик ва файзу баракат тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## Бошланиши 1-бетда

**Блумхардт Александр** — “Knauf” компаниясининг МДХ давлатлари бўйича ҳамкор бошқарувчилари бош вакили

**Вейсалов Расул Латифович** — Сирдарё тумани нурунийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли, Сирдарё вилояти

**Володин Андрей Яковлевич** — Ўзбекистон рус миллий маданий марказининг Наманган вилояти бўлими раиси

**Гечу Сергей Викторович** — “Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг 2-нави прокат цехи элктр ускуналарини таъмирлаш устаси, Тошкент вилояти

**Евтушенко Ольга Анатольевна** — Мирзо Улуғбек туманидаги “Alternativa kommunal plus” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

**Ёғмиров Давлат Ҷўлиевич** — Қашқадарё вилояти арав миллий маданий маркази раиси ўринбосари

**Искендеров Усен Муталипович** — Ўзбекистон уйғур миллий маданий маркази раиси

**Ким Антонина Е-Сеновна** — Ўзбекистон корей миллий маданий марказлари уюшмасининг Хоразм вилояти ҳудудий бўлими раиси

**Кулиева Минсилу Мавлетбаевна** — Тошкент шаҳри бошқирд миллий маданий марказининг бошқирд-татар гуруҳи хонандаси, шоира

**Ли Хиангун** — Самарқанд шаҳридаги “Azia Metall Prof” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

**Мамедов Элдар Кисмир-огли** — Республика озарбайжон миллий маданий марказининг бошқарув кенгаши аъзоси

**Миллер Валентина Александровна** — “Wiedergeburt” Ўзбекистон немиш миллий маданий марказининг Фаргона вилояти бўлими раиси

**Митюлева Валентина Вадимовна** — “Гидропроект” акциядорлик жамиятининг гидротехника бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Назилов Додо** — Республика тожик миллий маданий марказининг бошқарув кенгаши аъзоси

**Наринбетов Турехан Канатович** — Ўзбекистон қозоқ миллий маданий марказининг Навоий вилояти бўлими раиси

**Носиров Обиджон Хамидович** — Ўзбекистон қирғиз миллий маданий марказининг Андижон вилояти бўлими раиси

**Рагимова Мехрибан Зиядхан кизи** — Миробод туманидаги “Темирйўлчилар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Хаймов Мизр Рахманович** — Фаллаорол туманидаги “Фаллаорол калий фосфат” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

**Шелякина Людмила Константиновна** — Тошкент шаҳридаги “The Big Smart Trade” масъулияти чекланган жамияти бош ҳисобчиси

## II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

**Асланова Елена Юрьевна** — Самарқанд вилояти гимнастика бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг катта мураббийси

**Монич Надежда Моисеевна** — “Светлица польска” Ўзбекистон поляк миллий маданий марказининг Бухоро вилояти бўлими раиси ўринбосари

## “Шухрат” медаллари билан

**Қаландарова Матлуба Хамидовна** — Дўстлик туманидаги “Манаслик чеварлар” маъсулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

**Мусабеков Бахтияр Турсунбаевич** — “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг “Ўзбекистон” локомотив депоси чилангари, Тошкент вилояти

**Тлеумуратов Куанишбай Базарбаевич** — “Uzbekistan GTL” масъулияти чекланган жамиятининг синтетик газ ишлаб қилиш цехи бошлиғи

**Цой Люция Андреевна** — Ўзбекистон давлат симфоник оркестрининг олий тоифали оркестр артисти

## Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 29 июль

## Ш. МИРЗИЁЕВ

# ТОШКЕНТДА ШҲТНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ БОШ СИЁСИЙ ВОҚЕАСИ

## Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг Самарқанд саммитини муваффақиятли ўтказиш учун мустаҳкам пойдевор яратилди

### 28-29 июль кунлари Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг (ШҲТ ТИВК) мажлиси бўлиб ўтди.

Ташқи ишлар идоралари раҳбарларининг учрашуви Ўзбекистоннинг ШҲТга амалдаги раислигининг муҳим муносабатидан бири бўлди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев анжуман арафасида вазирларни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари ШҲТ мамлакатлари вазирларига мурожаат қилар экан, бугун дунё оқибатларини прогноزلатириш мураккаб бўлган, олдидан айтиб бўлмайдиган туб трансформация жараёнларини бошидан кечираётганини таъкидлади. Глобал миқёсда ишонч ва ўзаро англашув тақчиллиги тобора кучли сезилмоқда. Бундай мураккаб шароитда хавфсизлик ва барқарор тараққиётга таҳдид солаётган замонавий хатарларга мос равишда чора кўриш учун саъй-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштириш ва кўп томонлама асосда яқиндан ҳамкорлик қилишга эҳтиёж кучайиб бормоқда.

Пойтахтимиздаги халқаро Конгресс марказида бўлиб ўтган ШҲТ ТИВКнинг навбатдаги йиғилишида Ташкилотга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирликлари раҳбарлари, шунингдек, ШҲТ Бош котиби ва Минтақавий аксилтерор тузилмаси Ижроа қўмитаси директори иштирок этди.

Учрашувда ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2022 йил 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган йиғилишига тайёргарлик жараёнига алоҳида эътибор қаратилди. Вазирлар ШҲТнинг навбатдаги саммити учун яқинги ҳужжатларнинг салмоқли жамланмасини таъкидлади. Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқилган Узоқ муддатли яхши кўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш мажмувий режаси, ўзаро боғлиқлиқни ривожлантириш ва самарали транспорт йўлакларини яратиш бўйича ҳамкорлик концепцияси, Ишбилармон доиралар ўртасида саноат кооперациясини рағбатлантириш дастурлари, “ШҲТнинг яхши ният элчиси” фахрий унвони тўғрисидаги низоми ва бошқалар шулар жумласидан.

ШҲТга аъзо давлат, кузатувчи давлат ва мулоқот бўйича ҳамкор мақомларини олиб буйича келиб тушган аризаларни кўриб чиқиш тадбир кун тартибидоғи муҳим масалалардан бўлди. Хусусан, Эрон Исломи Республикасининг ШҲТга тўлақонли аъзо бўлиши йўлида бир қарорга келинди. Беларусь Республикасининг аризасини ўрганиш жараёни бошланди. Миср, Саудия Арабистони ва Қатарга ШҲТнинг мулоқот бўйича ҳамкорлиги мақомини бериш тўғрисидаги меморандумлар имзолашга тайёрланмоқда. Шунингдек, Самарқанд саммитида Бахрайн ва Малдив оролларига мулоқот бўйича ҳамкор мақомини бериш жараёнини бошлаш бўйича ҳам қарорларни қўриб чиқиши режалаштирилганлиги маълум қилинди.

Ташқи ишлар вазирлари, шунингдек, ШҲТ фаолиятининг турли йўналишлари бўйича ҳамкорликни ривожлантириш, унинг халқаро ҳамкорлар билан институционал алоқаларини кенгайтиришининг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилди. Минтақавий ва глобал кун тартибидоғи долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**Йиғилиш раиси, Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги вазирининг бажарувчи Владимир Норов** мамлакатимизнинг ШҲТга раислиги доирасида ўтказилган тадбирлар, шунингдек, Самарқанд саммитида муҳокама этилиши режалаштирилган асосий масалалар ҳақида иштирокчиларга маълумот берди.

маданий мулоқотни чуқурлаштириш бўйича биргаликдаги ёндашувлар белгилаб қўйилган.

Ҳиндистон ташқи ишлар вазирининг **Жайшанкар** замонавий таҳдидларга қарши курашиш ва ШҲТни кенгайтиришда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар жуда муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди. У Ҳиндистоннинг ШҲТ доирасидаги ҳамкорлиқни ва ўзаро ишончлиқни кучайтириш тарафдори эканини маълум қилди. “Чуқри жаҳон ҳамжамияти пандемия ҳамда турли моҳаролардан кейин глобал таъминот занжирларидаги узилишлар натижасида мисли кўрилмаган энергетика ва озиқ-овқат таъминоти билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда. Бундай қийинчиликларга қарши курашиш учун биз кўп томонлама муносабатларни ислоҳ қилишимиз ва қайта тиклашимиз, шунингдек, таъминот занжирлари яратилишини кўллаб-қувватлашимиз керак”, деди.

Вазир, шунингдек, ўз мамлакатини Афғонистоннинг суверенитети, мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва миллий бирлиги ҳурмат қилинишини яна бир қарра таъкидлар экан, тинч, хавфсиз ҳамда барқарор Афғонистонни қатъий қўллаб-қувватлашимиз айтди. “ШҲТ доирасида Ҳиндистон Афғонистонга ҳар томонлама ёрдам бermoқда. Биз аллақачон Қобулдаги Индира Ганди касалхонасига 40 минг тонна бугдой, корона-вирусга қарши 500 минг доза вакцина етказиб бердик”, деди Ҳиндистон ташқи ишлар вазирини.

У Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги мустаҳкам алоқалар узоқ тарихга бориб тақалиши ва уни қайта тиклаш вақти келганини қайд этар экан, 2016 йилдан бери Ҳиндистон Эрондаги “Чаҳбаҳар” бандароҳини ишга тушириш бўйича амалий ишларни давом эттириб келаётганини айтди. “Эрон 2022 йилда Самарқанд саммитида ШҲТга аъзо давлат сифатида қўшилиши билан “Чаҳбаҳар” порти Марказий Осиё мамлакатлари учун денгизга хавфсиз чиқишни таъминлайди”, деди Ҳиндистон ТИВ раҳбари.

**Қозғистон Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазирининг Мухтор Тлеуберди** минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва ўзаро ишончлиқни чуқурлаштириш масалалари ўзининг долзарблигини сақлаб қолаётгани ва улар Ташкилот кун тартибидоғи “тамал тоши” ҳисобланганини баён қилди.

Қозғистон ташқи ишлар вазирининг **Жанна** халқаро хавфсизлик архитектурадаги сўнгги тектоник силжишларни ҳисобга олган ҳолда, ШҲТ ўзининг замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга бўлган ёндашувларини долзарблаштиришга лозимлигини қайд этди. Бунда терроризм, экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашиш ва халқаро ахборот хавфсизлиги соҳаларида келишилган ва қабул қилинган дастурий ҳужжатлар ижросини давом эттириш мақсадида мувофиқ бўлади.

У терроризмнинг молиялаштирилишига қарши курашиш, шунингдек, уни озиқлантирадиган террористик, сепаратистик ва экстремистик мафруранинг тарқалишини олдини олиш учун умумий саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш кераклигини таъкидлади.

кўп йиллар олдин ўзаро ишончга қўйилган асосни мустаҳкамлашни давом эттиришимиз, юзага келган қийинчиликларни ҳамда ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, туб манфаатлар ва муҳим масалалар бўйича бир-биримизни кўллаб-қувватлашимиз, қарама-қаршилик ва тушунмовчиликларни рисоладагидек бошқаришимиз, давлат суверенитети, хавфсизлик ва ривожланиш манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилишимиз муҳим”.

Хитой ташқи ишлар вазирининг **Хитой бирдам, тенг, мувозанатли ва ҳамма баҳраманд бўладиган шериклик** йўлидаги глобал ривожланиш бўйича ташаббуси биргаликда амалга оширишга тайёр” эканини таъкидлади.



**Қирғизистон ташқи ишлар вазирининг Жээнбек Кудубаев** ўз мамлакатини ШҲТ Самарқанд саммитига тайёргарлик доирасида бундан кейин ҳам янада яқин ҳамкорлик қилишга тайёр эканини баён қилди.

Унинг айтишича, бугунги кунда ШҲТ саммитидан сўнг давлат раҳбарлари томонидан имзоланиши мўлжалланган турли соҳаларга оид 40 дан ортиқ ҳужжатни ўз ичига олган салмоқли тўплам экспертлар даражасида муҳокама қилинмоқда ва келишилмоқда. “Умуман олганда, Қирғизистон томони Ўзбекистон раислиги даврида минтақа ва дунёдаги мавжуд воқелик ҳамда тенденциялардан келиб чиқадиган устувор вазифаларни кўллаб-қувватлайди, — дея таъкидлади вазир. — ШҲТнинг бўлажак Самарқанд саммитидаги муҳим масалалари билан Давлат раҳбарлари кенгашининг 2021 йил сентябрдаги қарорлари асосида ШҲТни кенгайтириш масаласи бўлади. Хусусан, ташкилотга аъзо давлатлар Эрон Исломи Республикасининг ШҲТ аъзолигига қўшилиши бўйича зарур ишларни олиб борди”.

**Покистон ташқи ишлар вазирининг Бхутто Зардрий** тарихий ва гузал Тошкент шаҳрига ташриф буюрганидан мамнуният билдиргани баробарида ШҲТ ТИВК йиғилишини юксак даражада ташкил этгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик изҳор этди.

У шу пайтага қадар ШҲТ катта йўлни босиб ўтгани ҳамда хозирги пайтда тузилма жуда яхши шаклланган трансминтақавий, трансмиллий ташкилот бўлиб, дунё аҳолисининг 41 фоизини, умумий қуракликнинг 21 фоизи ва жаҳон ЯИМнинг 23 фоизини қамраб олишини қайд этди.

“Покистон Трансафғон темир йўли лойиҳаси бўйича ўзбек ва афғон биродарлар билан ҳамкорлиқни кучайтирмоқда. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши Марказий Осиё давлатларини Покистон бандароҳ-

лари билан боғлагани ҳолда, Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларни янада кучайтиради”, деди у.

Покистон ташқи сиёсат идораси раҳбари терроризмнинг халқаро ҳамжамият учун энг жиддий муаммолардан бири бўлиб қолаётганига эътибор қаратар экан, ўз мамлакатини терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашишда ҳамкорлик учун доим тайёр эканини маълум қилди.

“Биз ШҲТ доирасида Саудия Арабистони, Қатар ва Миср билан янги мулоқотлар ташкил этишга тайёримиз, шунингдек, Эроннинг ташкилотга тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинишини кўллаб-қувватлаймиз”, деди Билавал Бхутто Зардрий.

соҳасида ҳамкорлик, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, рақамли трансформация, минтақаларо алоқаларни ривожлантириш, юқори технология ва инновацияларни жорий этишга қаратилган мустаҳкам ҳужжатлар тўплами ишлаб чиқилди.

Сергей Лавров, шунингдек, ўзбекистонлик ҳамкорлар ташаббуси билан фан-техника, маданият, соғлиқни сақлаш, туризм, ёшлар алоқалари каби соҳаларда ўтказилаётган туркум тадбирларни юқори баҳолади. У ҳамкорлиқнинг шартномаси-ҳуқуқий базаси Туризм соҳасидаги ҳукуматлараро битим ва Музей иши соҳасидаги меморандум билан тўлдирганини ҳамда “ШҲТ яхши ният элчиси” институтининг ташкил этилиши ҳам фойдаланиб келганлигини алоҳида таъкидлади.

“ШҲТ ўзининг учинчи ун йиллигига дунёдаги жадал ўзгаришлар шароитида кирди, — деди **Тожикистон ташқи ишлар вазирининг Сироҷиддин Мухриддин**. — Бундай шароитда ШҲТ минтақада ва дунёда ижодий кун тартибига эга нуфузли омил бўлиб қолиши учун биргаликда чора-тадбирларни кўриш муҳимдир.

“Тожикистон ШҲТнинг иқтисодий-иқтисодий кун тартибини бойитишга, минтақанинг барқарор ўсиши ва ривожланиши учун миллий ривожланиш стратегиясини бирлаштиришга қаратилган ташаббусларни тўлиқ кўллаб-қувватлашда давом этади, — деди вазир. — Шунингдек, саноат кооперацияси ва энергетика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш тарафдоримиз.

Маълумки, ўтган йили Тожикистоннинг тақлифи ва ШҲТ мамлакатлари кўмаги билан ўзаро ҳамкорликнинг иккита янги механизминини — ШҲТга аъзо давлатлар саноат вазирлари ва энергетика вазирлари учрашувини ташкил этишга муваффақ бўлди.

Бу борадаги ишларни давом эттириб, жорий йилда тегишли вазирлик йиғилишларини ўтказаватгани учун Ўзбекистон раислигидан миннатдоримиз.

Режалаштирилган Ишбилармон доиралар ўртасида саноат кооперациясини рағбатлантириш дастури ва қайта тикланган энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича ҳамкорлик дастури қабул қилинишини оқийлашимиз”.

**ШҲТ бош котиби Чжан Мин** Ўзбекистоннинг ташкилотдаги раислигини юксак баҳолар экан, уларнинг натижаларини самарали, дея қайд этди.

“Ўзбекистон раислигида 100 дан ортиқ тадбирлар муваффақиятли ўтказилди, булар сентябрь ойда қабул ўтадиган Самарқанд саммити учун ажойиб кўмак бўлиб хизмат қилади, — дея таъкидлади Бош котиби. — Жорий йилги саммит яқунлари бўйича имзоланган тақдир этишга муваффақ бўлди. Ўзбекистон ташаббуси доирасида томонлар ахборот технологиялари, камбағалликни қисқартириш, усимликлари қарантини ва бошқа соҳаларда ҳамкорликнинг янги механизмларини ишга туширди”.



Ўзбекистон — улкан имконият ва ресурсларга эга бўлган мамлакат. Лекин бизнинг энг катта бойлигимиз — турли миллат ва конфессиялар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

# ЎЗБЕКИСТОН — МИЛЛАТЛАРАРО ТУТУВЛИК МАСКАНИ



Рустам ҚУРБОНОВ, Вазирадиган Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси

Йўналишда олиб борилаётган ишлар сўнгги йилларда янги ва янада юксак босқичга кўтарилди. Ҳаммамизга маълумки, бизнинг қадимий заминимиз Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашиб, турли цивилизация ва маданиятлар ўзаро муносабатга киришган, нафақат савдо, балки гуманитар алоқалар амалга оширилган марказ бўлиб келган. Бу ерда ёнма-ён яшган турли халқлар, маданият ва динлар вакилларининг айнан дўстлик, яхши кўшничлик муносабатлари минтақанинг маданий ривожини учун қудратли омил бўлган.

Юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва эллар учун ўзи тили, урф-одат ва анъаналари, маданий мероси, миллий ўзига хослигини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Вазирадиган Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида миллатлараро алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича катта тажриба тўплаган. Ўзбекистонда миллатлараро тўтувлик ва диний бағрикенглик муносабатларини сақлашга имкон берадиган ўзига хос модель яратилган.

## 130 дан зиёд миллат вакиллари — дўст, ҳамжиҳат ва ҳамкор

Қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва эл, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга хос фазилат. Она заминимизда тинч-тотув яшашнинг муҳим манбаи ўзбек халқининг ўзига хос менталитетидир. Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган меҳр-оқибат ва саховат, меҳмондўстлик ва раҳм-шафқат каби фазилатлари энг оғир тарихий даврларда синовлардан ўтган.

Ўзбекистон Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашгани боис, асрлар давомида ўзининг бой маданий-тарихий мероси билан Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлайдиган ноёб кўприк бўлиб хизмат қилган. Қадим замонлардан буён мусулмонлар христианлар, яҳудийлар, буддистлар ва бошқа дин вакиллари билан тинч-тотув яшаб келади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва эл вакиллари бир оила фарзандидек аҳил-поқ яшамоқда. 16 мазҳабдаги диний ташкилотлар ўз фаолиятини эркин амалга оширади. Улар юртимиз равиқли йўлида барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилиб, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистонда ҳукм сураётган бағрикенглик, турли

миллат вакиллари ўзаро тинч-тотув яшаш тажрибаси дунёнинг кўплаб давлатлари учун намуна бўлади. Хусусан, Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон халқи ўзининг бағрикенглиги, инсонпарварлигини яна бир бор яққол



намоён этди. 300 мингдан ортиқ етим болани ўзбек оилалари ўз фарзандидек қабул қилди. Урушдан олдин ҳам ўз юртидан мажбуран кўчирилган неча эл ва миллат вакиллари халқимизга бағрини очилган, меҳр кўрсатишдан қочмади, энг оғир дамида уларга ёрдам қилини қўшиб, нонини баҳам қўрди.

Корейлар, немислар, турклар, поляклар, греклар, крим-татарлар, чеченлар бу бағрикенг заминда ўзининг иккинчи ватанини топди. Шу кунга қадар улар ўзбек халқидан миннатдорлигини изхор этиб келади. Бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойиллари жамиятимиз ҳаётининг барча бўғинларида, бу юрда истиқомат қилаётган ҳар бир миллат вакили ҳаётига чуқур кириб борди.

Президентимиз жамиятда миллатлараро тўтувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш масалаларига доимо катта эътибор қаратиб келади. Бу борада ишлар сўнгги йилларда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Ҳозирги вақтда давлатда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ўзгаришларнинг барқарор ривожланиши ва муваффақиятли амалга оширилиши халқро майдонда мамлакатимиз нуфузи юксалишининг муҳим омиллидир.

Миллатлараро муносабатлар соҳасига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси 2017 йил май ойида давлатимиз раҳбарининг фармони билан ташкил этилган. Президентимизнинг

2019 йил 15 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсати концепцияси мамлакатимиз раҳбариятининг миллатлараро тўтувликни таъминлаш масалалари

га кўрсатаётган доимий эътиборининг ёрқин далилидир. Қўмита юртимизда миллатлараро муносабатлар сиёсатини амалга ошириш, 152 та миллий-маданий марказ ва 38 та дўстлик жамияти фаолиятини мувофиқлаштирмоқда. Миллий маданий марказлар диёримизда истиқомат қилаётган бошқа миллатлар қадриятларини қадрлаш, урф-одатларимиз бардавонлигини таъминлаш баробарида, ёшларимизни ўзга эллардан маданиятини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Миллий маданий марказлар фаолияти учун пойтахтимизда энг кўркам бинолардан бири ажратиб берилди.

Бугун қўмитамиз Ўзбекистонда яшаётган турли миллат фарзандларининг ўқув-тарбияси, ўзига хос "Дўстлик саройи"га айланган. Бу ерда мунтазам равишда миллий халқ байрамлари, фестиваллар, концертлар, ўқув-тарбия, таниқли маданият арбоблари чиқишлари, семинарлар ва анжуманлар ўтказиб турилади.

Муҳташам ва кўркам биноимизда русларнинг "Масленица", болгарларнинг "Мартиница", арманларнинг "Вардавар", полякларнинг ҳосил байрами — "Дожинки", корейларнинг "Чхусок", татар ва бошқирларнинг "Сабантуй", грекларнинг "Охи" сингари байрамлари барча миллат вакиллари иштирокида катта тантанана айланади. Миллий маданий марказларнинг "ўч авлод ўқув-тарбия" тадбирларидаги филм иштирокини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

## "Ўзбекистон — умумий уйимиз"

Кўп миллатли жамиятимиз фуқаролари онгида "Ўзбекистон — умумий уйимиз", деган гоё барча миллий маданий марказларнинг шиорига айлангани бежиз эмас. 2022 йилда ҳам миллатларнинг дўстлиги ва тўтувлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган турли мавзудаги тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган. Шу билан бирга, хорижий мамлакатларнинг бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шунингдек, чет элдаги ватандошлар билан яқин алоқалар ўрнатилган. Ваколатимиз доирасида ўзбек тили ва маданиятини сақлаш, ривожлантириш, миллий анъаналаримизни тарғиб қилишда уларга ёрдам берамиз. Ҳар йили Қозғистон, Қирғизистон, Хитой, Мўғулистон, АҚШ, Тожикистон, Финляндия, Латвия, Литва, Эстония, Туркия, Жанубий Корея ва Японияда истиқомат қилувчи ватандошлар билан ўқув-тарбия, видеоқонференциялар ташкил этиб борилади.

Бугунги кунда 10 миллиондан зиёд ватандошимиз хорижда яшаб келади. Булар этник ўзбеклар ва Ўзбекистондан чиққан турли миллат вакиллари билан иборат фуқаролар. Уларнинг аксарияти Марказий Осиё, Европа ва Осиё мамлакатларида, шунингдек, АҚШда истиқомат қилади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги ватандошларимизга кўмаклашиш, улар билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш масалалари қўмита томонидан олиб борилаётган асосий йўналишлардан ҳисобланади. Чет элга ўқиш, ишлаш ва доимий яшаш учун кетган кўплаб юртдошларимиз бугун ўзларининг тарихий ватани — Ўзбекистон билан мунтазам алоқада бўлиб келади.

Марказий Осиё, Евроосиё ва Америкада истиқомат қилаётган юртдошларимиз 170 дан ортиқ миллий маданий марказ ва жамиятларни ташкил этган, ҳозирда уларнинг 50 га яқини билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган.

Президентимиз Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида бу йўналишдаги давлат сиёсатининг мантаний давоми бўлган бир қатор вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, миллий маданий марказларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясининг изчил амалга оширилишини таъминлаш, турли миллат ёшлари учун қўшимча қўлай шароитлар яратиш,



уларнинг фуқаролик бурчини ҳис этиши ва англаши, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш, бағрикенгликка асосланган миллатлараро мулоқот маданиятини ошириш шулар жумласидан.

Чунончи, хорижий тилларда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсатини ёритиётган оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар қўриш кўзда тутилган.

Хорижий давлатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида дўстлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштириш биз учун ҳам муҳим вазифалардан биридир.

## Юртимиз нуфузи юксалаверади

Жорий йилда ҳам Халқлар дўстлиги куни байрамини кенг нишонлашга қизгин тайёргарлик кўрилди. Байрам доирасида қўмита томонидан ҳокимликлар ва турли ташкилотлар билан ҳамкорликда мамлакатимизда миллатлараро тўтувлик ва диний бағрикенгликни тарғиб этишга қаратилган концертлар, халқ сайиллари, маънавий-маърифий ва илмий-амалий тадбирлар, танлов ва кўрғазмалар ташкил этилмоқда. "Марказий Осиё мамлакатларида миллатлараро тўтувликни таъминлаш" мавзусидаги халқро конференция байрам дастуридаги муҳим воқеалардан бири бўлади.

Бу каби тадбирлар жамиятда миллатлараро тўтувликни, бағрикенглик ва инсонпарварликни, халқлар ва давлатлар ўртасидаги дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Зотан, тинчлик ва инсонпарварлик, ҳамжиҳатлик мамлакатимиз нуфузини дунё бўйлаб янада юксалтираверади.

# ДЎСТЛИК ТАРОНАСИ ЯНГРАР ҚАЛБЛАРДА

## Ўғилой ГАЛИЕВА, Қорақалпоқ давлат университети туркман тили ва адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари доктори

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги дўстлик муносабатлари негизда миллатлараро тўтувлик, тинчлик, биродарлик ривожланиб, ўзаро ишонч тобора ортиб бормоқда. Масалан, Ўзбекистонда яшайдиган бошқа халқлар каби туркманлар учун ҳам ўз она тилида билим олиш, адабиёти ва маданиятини ривожлантириш бўйича кенг имкониятлар яратилган.

Адабиёт дилларни дилларга, элларни элларга боғлайди. Азалдан бир дарёдан сув ичиб, қўни-қўшни бўлиб яшаб келаётган ўзбек ва туркман халқларининг қалблари муштарак — тили, урф-одатлари яқин, маданияти уйғун, адабиёти ва санъати ҳамоҳанг. Туркман халқи Алишер Навоий ғазалларини севиб ўқиганидек, ўзбеклар ҳам Махтумқулини ўз шоиридек ардоқлайди.

Махтумқулининг Хивадаги Шерғоziхон мадрасасида тахсил олгани, буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийни ўзига устоз билгани халқларимиз ўртасидаги абадий дўстликнинг ажойиб намунасидир.

1996 йил 28 ноябрда Махтумқули бобомиз бир пайтлар ўқиб воёга етган шахар — Хивада унга муҳташам ҳайкал ўрнатилди. 2017 йил 18 май куни эса азим пойтахтимиз марказидаги қўчага Махтумқули номи берилиши ва ул зотнинг ёддорлиги қад ростилагани ўзбек ва туркман халқлари дўстлиги янги, янада юксак даражага кўтарилаётганини аналган эди.

Шунингдек, 2014 йили мамлакатимизда ҳам Махтумқули таваллудининг 290 йиллиги кенг нишонланган. Айни пайтда ўзбек мактабларида шоир ижоди кенг ўрганилмоқда, олимпикларимиз тадиққотлар олиб бормоқда. Шоир асарлари кириб бормаган ўзбек хонадонни кам, тўй-тадбирларимиз Махтумқули шеърларида бастанланган қўшиқларсиз ўтмайди. Улуғ туркман шоирига шундай олий даражада ҳурмат-эътибор кўрсатилгани халқларимиз ўртасидаги алоқалар изчил

ривожланаётганининг амалий ифодасидир.

Сўнгги йилларда юртимизда туркман тилида таълим-тарбия берувчи бир неча умумтаълим мактаби, Нукус шаҳридаги икки олий таълим муассасасида туркман тили ва адабиёти кафедралари, бўлимлари очилди. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида 1992 йили ташкил қилинган "Туркман филологияси" таълим йўналиши негизда 2019 йилда туркман тили ва адабиёти кафедраси ташкил қилиниб, бу ерда бакалавр ҳамда магистр мутахассислар тайёрланмоқда. Шунингдек, илмий даражали фан докторлари (DSc) ҳамда фалсафа докторлари (PhD) ўз диссертация ишларини муваффақиятли ҳимоя қилиб, ватанимиз илм-фани ривожига ҳисса қўшмоқда.

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг "Бошланғич таълим ва спорт тарбияси" факультетида туркман тили ва адабиёти кафедраси ташкил қилиниши Ўзбекистонда яшаётган туркман ёшларининг ўз она тилида тахсил олишига кенг имкониятлар эшигини очди. Бу ўқув даргоҳларида нафақат ўзбекистонлик, балки туркманистонлик ёшлар ҳам тахсил олиб, етук кадрлар бўлиб етишмоқда.



Юртимизда Туркман миллий маданий марказлари самарали фаолият юритмоқда. Туркман тилида "Мекан"

газетаси чоп қилинади. Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрида очилган "Ашқобод" сайилгоҳи халқи

# ЎСИШ ПИРАМИДАСИ

## Рақамли иқтисодиёт ва бандлик масаласи туташган нуқта

**Мансур ЭШОВ,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети проректори,  
иқтисодиёт фанлари доктори,  
профессор

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида кечаётган ислохотларнинг туб моҳиятини ташкил этувчи инсон кадрини улуғлаш ғояси ҳақида гап кетганда, бир воқеа ёдимга тушаверади: шогирд-укаларимиз билан бир суҳбатда “иқтисодиётда инсон кадри” деганда ким нимани тушуниши, айти кунларда у нималарда акс этаётгани ҳақида гап очилди. Шунда иқтисодий ислохотлар самаралари, уларнинг юртдошларимиз турмуши фаровонлигига ижобий таъсири ҳақида турли фактларга бой мулоҳазалар билдирилди.



нинг ўзи йўқ. Шунчаки ҳар бир давлат йўналишни ўзининг тарихий таърибаси, ўзига хосликлари асосида белгилаши ва уларни ўсиш стратегиясида акс эттириши керак. Шунингдек, тез, барқарор ўсиш ўз-ўзидан содир бўлмайдиган. Бу мамлакатнинг сиёсий раҳбарларидан узоқ муддатли мажбуриятни, шунингдек, сабр-тоқат, қатъият ва прагматизмни талаб қилади.

Тез ривожланиш иқтисодиётларга дунёнинг қолган қисмидан ғоялар, технологиялар ва ноу-хау импорт қилиш имконини беради. Ушбу маълумотларга эга бўлиш усулларида бири эса тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишдир. Хорижда таълим олиш имкониятини кенгайтириш ҳам яхши самара беради. Бу турли тармоқларда узоқ муддатли халқаро алоқаларни йўлга қўйишга хизмат қилади.

Очик дунё иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларга уларнинг экспортни учун чуқур эластик бозорни таклиф этади. Меҳнат тақсимиоти бозор ҳажми билан чекланган сабабли мавжуд юқори талаб давлатларга янги экспорт йўналишлари бўйича ихтисослашиш ва турли усулларда уларнинг махсуддорлигини оширишга имкон беради.

Бугун ривожланган иқтисодиётлар ўзини таркибий жиҳатдан ўзгартяпти. Яппи ички махсудотнинг ўсишини “дархотларнинг юқори қисми” билан қиёслаш мумкин. Аммо барча ҳаракатлар янги шохлар пайдо бўлиши ва эскирганлари узилиб тушиши билан боғлиқ. Ўсишга йўналтирилган сиёсий



ва ислохотларнинг аксарияти ушбу микроиқтисодий жараёнларни яратиш ва сўниш жараёнларини рағбатлантириш ва энг муҳими, ушбу динамикадан таъсирланган одамларни ҳимоя қилиш учун ишлаб чиқилади. Ривожланишнинг дастлабки босқичларида ўсиш суръати, асосан, инвестициялар даражаси билан чекланади. Ушбу инвестициялар, ўз навбатида, тежаш миқдорига боғлиқ.

Аслида давлатлар инвестиция эҳтиёжларини молиялаштириш учун хорижий капиталга ҳам эътибор қаратиши мумкин. Фикримизча, хорижий жамғармалар иқтисодиётнинг тез ўсиб бориши учун зарур инвестицияларни шакллантиришга ички жамғармалар, жумладан, давлат жамғармаларининг ўрнини босувчи воситадир.

### ЯНГИ ЗАМОН РУҲИ

Янги Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичига чиқишда молия тизимини ривожлантириш, у орқали миллий иқтисодиёт учун захираларни аниқлаш ва сафарбар қилиш, иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш устувор вазифалардан саналади. Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини яқунлаб, 2026 йил сўнгига қадар банк



активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш ҳамда банк тизимида молиявий барқарорликни таъминлаш вазифаси белгиланган. Тижорат банкларини ривожлантиришда асосий эътибор, биринчи навбатда, миқозлар базасини оширишга қаратилади. Бунинг учун банк хизмати турларини кўпайтириш, кўрсатиладиган хизмат турлари нархини оптимallasштириш, юқори малакали ходимлар ва замонавий технологиялар билан таъминлаш талаб этилади.

Бугунги кунда мамлакатимиз тижорат банклари томонидан масофадан бошқарилувчи 12 турдан зиёд хизматлар кўрсатишмоқда. Таҳлил натижаларига кўра, масофадан бошқарилувчи банк хизматларининг асосий фойдаланувчилари Тошкент шаҳри аҳолиси саналади. Пластик картчалар, банкоматлар сони жиҳатидан пойтахт етакчи бўлмоқда. Бошқа ҳудудларда ҳам бу кўрсаткич инфратузилмани яхшилаш билан боғлиқ ҳолда ошиб борапти.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда банк тизими ва “рақамли банк”ни ривожлантириш, инновацияларга

Масалан, АҚШ, Япония, Буюк Британия, Жанубий Корея, Германияда ушбу хизмат тури аъёнавий тарздаги банк хизматига айланиб бўлган. Туркия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Беларусьда “рақамли банк”дан фойдаланувчилар сони бошқа хизмат турларига нисбатан юқори. Бу банкларга бориб ортинча вақт ва харажат сарфлашдан анча қўлай — исталган ерда банк хизматларидан фойдаланиш мумкин.

Мамлакатимизда банк инфратузилмасини ривожлантириш, “рақамли банк”ни ташкил этишда, биринчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, иккинчидан, “digital” тизими остида ишловчи қурилмалар билан таъминлаш лозим. Шунда маҳаллий банklar аъёнавий хизмат турларига таяниб қолмай, инновацион хизмат турларини жорий этишни бошлади. Аҳоли ҳам ўзи истаган банк хизматлардан исталган жойда фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Бу борадаги имкониятни кенгайтиришда инфокиосклар сони ошириш ҳам талаб этилади. Юртимиздаги банкоматларнинг аксарият қисмини хизматларга тўловларни амалга оширувчи инфокиосклар ташкил этади. Аммо “cash by code”, “cash to card”, “card to card”, “cash-in” каби инфокиосклар сони етарли эмас, улар муайян банк ва савдо шохобчаларидангина жойлашган.

Масалан, “cash by code” тизимида ишловчи банкомат нақд пул бериш ва қабул қилиш функциясига эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида пластик картага нақд пул маблағларини жўнатиш ва қабул қилиш хусусиятига эга. “Cash-in” тизимида ишловчи банкоматлар сони кўпайиши эса миқозга керакли бўлган хорижий валюта эга миллий валютани нақд қилинишида олиш имкониятини беради. Ушбу банкомат мамлакатга ташриф буюрувчи сайёҳлар учун қўлайлиги яратиб, туризмин янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ривожланган мамлакатлар таърибаси банklar ўз инфратузилмасига етарли маблағ ажратмас экан, уларнинг ўз миқозлар базасини йўқотиш эҳтимоли юқори бўлишини кўрсатмоқда. Банк хизматлари миқозлар учун қўлай, банк операциялари фойдаланувчилар учун янада тушунарли бўлиши, аҳолининг умумий молиявий саводхонлик даражаси ошиши, банк фаолиятига оид қонун-



қўринишга ўтказишни тақозо этапти. “Рақамли банк” хизмат турлари ҳам оммалашиб, у ўтиш иқтисодиётдаги давлатлар банк тизимида кенг қўлланилмоқда. Тизимнинг афзалликлари шундаки, фойдаланувчилар ўзлари қўлай ва ҳамёнбон хизмат турини танлаш имкониятига эга бўлади.

чилиқдаги ўзгаришлар ушбу тизим инфратузилмаси ривожланишига хизмат қилади. Иқтисодчи олимлар фикрича, банк хизматларига бўлган ёндашувларнинг ўзгариши туфайли аҳолига хизмат кўрсатиш жараёнида “банк инфратузилмаларининг самарадорлиги” тушунчасига муносабат ҳам ўзгаради.

Банкларнинг аҳолига хизмат кўрсатиш инфратузилмалари самарадорлиги деганда, одатда, иқтисодий самарадорлик тушунилади. Банк хизматлари бозорини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида иқтисодий самара билан бирга, ижтимоий самара ҳамда банк секторига киритилмаётган технологияларни ривожлантиришдан келадиган самара ҳам инobatта олинishi зарур.

Таҳлиллар жараёнида мамлакатимиз банк тизимида масофавий банк хизматларини кўрсатиш ва “рақамли банklar” фаолиятини ривожлантириш бўйича қатор муаммолар мавжудлиги ҳам, кўзга ташланади. Масалан, банklarда чет эл валютасини эркин сотиш ва сотиб олиш механизми яратилган бўлса ҳам, ҳали ҳам аҳолининг қора бозордан валюта сотиб олишга талаби сақланиб қолмоқда. Чунки банklarда валюта айирбошлаш шохобчасида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилиниши, энг асосийси, шанба-яшанба кунлари ишламаслиги миқозларнинг хизмат туридан қониқ-маслиғига сабаб бўлмоқда.

Тижорат банкларининг миқозлар билан масофадан боғланишини таъминлаб берувчи банкомат, инфокиоск ва тўлов терминаллари каби алоқа воситалари, асосан, пойтахт ва вилоят марказларида жойлашган бўлиб, узоқ туман ва чекка ҳудудларда камлигича қолмоқда. Банк тизимида замонавий технологиялар ва ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш даражаси нисбатан орқада. Масофадан банк хизматларини ташкил этиш ва “рақамли банklar” тизими ривожини учун талаб этиладиган тегишли шароитлар, хусусан, интернетнинг юқори тезлиги, узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш, электрон тижоратнинг эркинлиги каби-ларга эҳтиёж бор.

Умуман, бу каби муаммоларни бартараф этиш ва банк тизимида масофадан хизмат кўрсатишни ривожлантиришда интернетни тақдим этишда рақобат муҳитини шакллантириш, интернет нархини кескин камайтириш ва унинг тезлигини бир неча баробар ошириш лозим. Шунингдек, “рақамли банк” тизимини шакллантиришда муҳим омили бўлган замонавий биллимига эга дастурчи-молиячи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш, жисмоний шахслар учун тижорат банklarидан валюта айирбошлаш кассаларида миқозларни идентификация қилиш мақсадидан Touch ID тизимини яратиш муҳим. Бунда валюта айирбошлаш кассаларида махсус қурилма ёрдамида (биометрик идентификация) ва дастур ёрдамида миқоз идентификацияланади, шу тарзда шахсини аниқланади. Бу ортинча қозғовлиликнинг олдини олиш, миқозлар томонидан банк ходимларига билдирилмаётган эътирозлар камайтиришга олиб келади.

Муаммолар кредитлар вужудга келишга эгизор тўғрисида етарлича маълумотга эга эмаслик сабаб бўлаётгани ҳам жиддий масалалардан биридир. Ушбу ҳолатнинг олдини олишда банк тизимида йирик маълумотлар базаси — “Big Data”нинг “Data mining” кредит тарихи дастури тизимини жорий этиш керак. Ушбу тизим банк миқозларига кредит ажратилган олдин миқознинг молиявий ва иқтисодий ҳолати бўйича таҳлилларни амалга оширишда қўлланилади.

### РАҚОБАТБАРДОШ МЕҲНАТ БОЗОРИ

Иқтисодий ўсиш омили ҳақида гап борганда, асосий жиҳат аҳоли бандлигига бориб тақалади. Айниқса, ёшларни муносиб иш билан таъминлаш долзарб вазифалардан бири. Чунки ёш авлод кўп жиҳатдан жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ифодаловчи муҳим таъсир кўрсатади. Юртимиз шароитида бу кўрсаткич анча юқорилаб борапти. Бугун барча соҳада ёшларнинг фаол иштирокини кўриш мумкин.

Иқтисодий фаоллик, бандлик ва ишсизлик даражаси ёшларнинг меҳнат бозоридagi ҳолатини ифодаловчи муҳим кўрсаткичдир. Демак, ёшлар меҳнат бозори шаклланиши ва давлат томонидан тартибга солиниши жараёнларини чуқур таҳлил этиш, иш билан бандлигини ўрганиш ҳар доим долзарб.

Жамиятнинг истиқболдаги ривожланиши ёшлар фаолиятининг бошланғич шароитларига боғлиқ. Давлатимиз раҳбарининг: “Сайёрамизнинг эртанги кунини, фаровонлигини фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намойён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат”, деган гапи фикримиз далилидир.

Ҳозир дунёда 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган ёшлар сони бир миллиарддан ошиб кетган. Улар ер юзи аҳолисининг 20 фоиздан кўпрогини ташкил қилади. Ёшлар ўртасидаги глобал ишсизлик эса 13,1 фоизни ташкил этади. Бу катталар ўртасидаги кўрсаткичдан уч баробар кўп.

Мамлакатимизда инновацион ва рақамли иқтисодиётнинг тараққиёти этиши меҳнат бозорига ишсизлик даражасини камайтириш, норасмий сектор ва норасмий иш билан бандларнинг расмий секторга мослашиши ҳамда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига имкон яратди. Аҳоли бандлигининг ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий жиҳатларини таҳлил этиш эса бу борада мавжуд муаммоларни ўрганиб, тегишли қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон меҳнат бозорига тенденциялар, ишсизликнинг реал миқёсдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий оқибатларини баҳолаб бориш лозим.

Маълумотларга кўра, 2020 йилда юртимизда жами меҳнат ресурслари сони 19 миллион 142 минг кишини ташкил қилган. Вилоятлар кесимида таҳлил қилганидан бўлса, меҳнат ресурсларининг энг юқори даражаси — 11,1 фоизи Самарқанд вилояти хиссасига тўғри келади. Аҳоли сонига нисбатан олиб қараганда, Жиззах, Навоий ва Сирдарё вилоятлари меҳнат ресурслари борасида энг охири ўринларни банд этган.

Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадига Ҳаракатлар стратегияси доирасида бошланган таркибий ислохотлар Тараққиёт стратегияси асосида давом этмоқда. Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнесни юритиш — 2020” ҳисоботида Ўзбекистон ислохотлар кўлими ва самарадорлиги бўйича дунёдаги энг яхши 20 та ислохотчи давлат қаторига кирди.

“Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси яқин йилларда мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқлари, жумладан, вертикал тузилмалар ҳамда давлат бошқарувида 280 дан ортиқ IT лойиҳани жорий этишни назарда тутди. Мамлакатда стартап лойиҳаларини молиялаштириш учун 12 та венчур фонд ишлаштирилди, 40 дан ортиқ стартапга хорижий инвесторларнинг 80 миллион доллардан ортиқ маблағи жалб этилди. Юртимизда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 11 мингга етди.

Мамлакатимизда 2028 йилгача IT компанияларга катта солиқ имтиёзлари ва преференциялар тақдим этилган. Жумладан, барча турдаги солиқлардан тўлиқ озод қилинди. Шунингдек, ходимлардан олинмаган даромад солиги ставкаси 7,5 фоизгача пасайтирилиб, ускуна ва дастурий таъминотни олиб киришда божхона тўловларидан тўлиқ озод қилинди ҳамда валюта ўтказмалари билан боғлиқ чекловлар бутунлай олиб ташланди.

Ҳудудларда ITга ихтисослаштирилган 205 та таълим муассасаси фаолият юритяпти. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси иш бошлади. Ҳозирга қадар 500 дан ортиқ IT компания IT парк резиденти ҳисобланади. Айни вақтда IT парк резидентлари экспортнинг 83 фоизи АҚШ бозорига тўғри келади.

Чет тилни билиш орқали ВРО бўйича юқори маош олиш имконияти ошиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан ВРО марказларини қўлайтириш устида тизимли ишлар амалга ошириляпти. Мазкур лойиҳа ва саъй-ҳаракатларнинг бари мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш, бу орқали аҳоли фаровонлигига эришишни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда конституциявий ислохотлар давом этмоқда, ислохотлар марказида инсон, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари турибди. Қарорлар қабул қилиниши инклюзивлигини, жараёнлар шаффофлигини таъминлаш ҳамда кенг жамоатчилик, хориждаги ватандошлар ва халқаро ҳамжамиятнинг хабардорлигини ошириш мақсадида нафақат Ўзбекистон ҳудудларида, балки хорижда ҳам учрашувлар, мулоқот ва муҳокамалар ташкил этилмоқда. Ана шундай тадбирларнинг навбатдаги манзили Япония бўлди. Ташқи ишлар вазири ўринбосари Фуқрат Сидиқов бошчилигидаги давлат ва жамоат тузилмалари вакиллари билан Ўзбекистон делегациясининг хориж сафари Япония сиёсий ва илмий доираларида учрашув, мулоқотларга бой бўлди. Делегация Япония ташқи ишлар вазири ўринбосари Т.Сузуки ва Япония ташқи ишлар вазирининг парламентдаги ўринбосари Т.Хонда билан учрашди.



## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ ЯПОНИЯДА ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

**Бобур БЕКМУРОДОВ,**  
“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати раиси

Учрашувда мезбонлар Япония ҳукумати Ўзбекистон Президентини раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотларга ҳар томонлама қўмаклашиш сиёсатини изчил қўллаб-қувватлаб келаётгани ва бундан буён ҳам шундай давом этишини таъкидлади. Олий даражадаги алоқалар фаоллашгани, хусусан, жорий йил апрель ойда Япония ташқи ишлар вазири Ёшимаса Хашининг Ўзбекистонга ташрифи ва июнь ойда икки давлат раҳбарларининг телефон орқали мулоқоти томонлар стратегик шериклиги янада чуқурлаштиришдан манфаатдор эканидан далолат беришини тасдиқлади.

Халқаро муносабатлар институти бош директори Ичинова Томоко билан учрашув ҳам самарали бўлди. Экспертнинг фикрича, ҳозирги вақтда барча давлатлар, ҳатто илгор Ғарб демократик давлатлари ҳам конституциявий ислохотларни амалга оширишга тайёрлигини намоян этолмапти, чунки бу зарур ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратишни тақозо этади.

И.Томоконинг таъкидлашича, Япония 1947 йилда янги Конституция қабул қилинганидан буён ҳеч қандай тузатиш киритмаган ягона давлат. Бугун мамлакат жамиятида Асосий қонунни ўзгартириш зарурлиги ҳақида баҳслар давом этмоқда. Шу боис, Ўзбекистоннинг фуқаролар тақлифларини тўплаш ва умумлаштириш, уларни ушбу жараёнга фаол жалб этиш тажрибаси япон қонунчилари ва эксперт доираларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Япониялик эксперт Ўзбекистоннинг гендер тенглик тамойилларини таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги ролини ошириш учун шарт-шароит яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларини ижобий баҳолади. Унинг фикрича, мамлакатимизнинг бу борадаги тажрибаси кўпгина давлатлар учун дастуриламал бўла олади.

И.Томоко, шунингдек, Ўзбекистоннинг таҳлил марказлари ва давлат ташкилотлари билан, жумладан, инсон салоҳиятини ошириш, мамлакатимизнинг жадал ривожланаётган иқтисодиёти эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирди.

Япония Парламенти Күеи палатаси депутати, парламентнинг Ўзбекистон билан “Дўстлик лигаси” ижроия қўмитаси раҳбари К.Сузуки ҳам Ўзбекистондаги конституциявий ислохотларни қўллаб-қувватлашини билдирди. Унинг таъкидлашича, конституциявий ислохотлар Ўзбекистонда кенг қўламли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларни мустақамлаш ва орта қайтмас тус олиши йўлида ўз вақтида қўйилган қадамдир. Мамлакатимиз Асосий қонунини ўзгартиришда ҳар бир фуқаронинг шахсан иштирок этиши учун кенг жамоатчиликни жалб этиш, умумхалқ муҳокамаси ва референдум ўтказиш ташаббуси қўрилатганини юқори баҳолади.

Сафар давомида миллий амалиёт билан таништириш, мавжуд муаммоларнинг самарали ечимларини ишлаб чиқиш мақсадида Токио шаҳрида “Конституциявий ислохотлар — Барқарор ривожланиши таъминлаш, инсон ва жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини мустақамлаш асоси” мавзусида халқаро давра суҳбати ташкил этилди.

Мақсад — турли мамлакатларда конституциявий ривожланиш моделларини шакллантириш жиҳатларини муҳокама қилиш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий натижаларини тақдим этиш, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Конституциявий қонун лойиҳасини янада тақомиллаштириш

бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, конституциявий ислохотларнинг инклюзивлигини таъминлаш.

Давра суҳбатида Нагоя ва Хоккайдо университетлари билан бир қаторда Япония парламенти ва Осиё ҳуқуқий алмишинув маркази ҳамкор сифатида иштирок этди. Бу эса муҳокамаларга нуфузли таҳлил марказлари, йirik жамоат ташкилотларидан 50 га яқин эксперт ва депутатларни жалб этиш имконини берди.

Ўзбекистондаги конституциявий ислохотнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш, “ижтимоий давлат”нинг конституциявий асосларини яратиш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини ислох қилиш, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда миллий хусусиятларни ҳисобга олиш каби мавзулар кизгин муҳокама қилинди.

Жумладан, Нагоя университетининг Олий ҳуқуқ мактаби профессори М.Садо Ўзбекистон Конституциясининг 13-20-моддаларига киритилиши тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида жаҳон амалиётида мисли қўрилмаган ташаббус эканини таъкидлади.

Сиёсий тадқиқотлар олий мактабида таълим олаётган юрдошимиз Ш.Сафаров Конституциямига хориждаги ватандошларга ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатишни назарда тутувчи қўшимчалар киритиш кузланаётганидан мамнуллигини билдирди. У биринчи марта хорижда бўлгани учун бундай тақлифлар ўз Ватанидан узоқда бўлган бошқа ўзбекистонликлар қатори демократик жараёнларда фаол иштирок этиш ҳиссини берганини таъкидлади.

Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларини ўрганиш институти бош директори Т.Танаканинг сўзларига кўра, Япония Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлардан яхши хабардор. Токио сиёсатини шакллантирувчи ва эксперт доиралари Ўзбекистон амалга оширилаётган демократик ислохотлар даражаси ва сифати, биринчи навбатда, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича МДХда етакчи давлатга айланди, деб ҳисоблайди.

Нагоя университетининг Осиё ҳуқуқий алмишинув маркази (CALE) профессори А.Исмаилов Стокгольм конференцияси дунёда экологик тамойилларни конституциялаштиришнинг бошланishi бўлганини қайд этди. Ўзбекистон иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит деградациясига қарши курашда, айниқса, Орол денгизи инқирози шароитида фаол иштирок этади. Бу нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунёнинг барқарор ривожланиши учун катта аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан, Асосий қонунга экологик ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича қондаларни киритиш билан боғлиқ конституциявий ўзгаришлар қўлай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ, экологик қонунлар бузилганини учун компенсация ва ишончли маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқини ўз ичига олади. Шу билан бирга, профессор экологик муаммоларнинг олдини олиш, ҳал этишда шахс ва жамият масъулиятини ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Умуман олганда, тадбир иштирокчиларига кўра, бўлажак ислохотларни муҳокама қилишнинг бундай формати Япония томониغا Конституциявий қонун лойиҳасининг моҳияти ва мазмунини билан яқиндан танишиш имконини берди. Ўзбекистоннинг Японияга вакиллик делегациясини юборгани ҳукуматнинг оқиб сиёсат олиб бориш ва трансформация жараёнини давом эттиришга содиқлигини яна бир бор тасдиқлади.

Учрашувларда Японияда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар ҳам фаол иштирок этди ва улар томонидан мамлакатимиздаги конституциявий ислохотлар қўллаб-қувватланди.



## “Янги Ўзбекистон” массивлари

# БУ ЕРДА ЯШАШНИНГ ЗАВҚИ БЎЛАКЧА

**Расулжон КАМОЛОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Айни кунларда Фарғона шаҳри, Фарғона, Ёзёвон туманларида “Янги Ўзбекистон” массивларини бунёд этиш ишлари авжи паллага кирган. Ҳолбуки, беш-олти йил аввал гиёҳ унмас, сув, йўл сингари инфратузилма етиб бормаган кенгликларда замонавий шаҳар қурилади, деган гапга ҳеч ким ишонмасди. Бугун эса бу ҳақиқатга айланди.

Замонавий шаҳарсозлик аъёнлари асосида қад ростлаётган янги массивларда аҳоли кундалик ҳаёт тарзи учун муҳим инфратузилма тармоқлари, дам олиш масканлари қуришга алоҳида эътибор берилляпти. Осмонга бўйлашган биноларга ҳамма янги хибонлар, дам олиш масканлари, таълим, тиббиёт, спорт мажмуалари, савдо ва хизмат кўрсатиш, сервис шохбчалари қурилиши уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик билан олиб борилмоқда.

### Кўкка бўйлашаётган бинолар

Фарғона шаҳридаги “Илғор” МФЙ ҳудудида замонавий экошаҳар қурилиши жадал. Яқиндагина тупроқ ишлари бажарилиб, пойдевори тикланган 58 та бино кундан-кунга кўкка бўй чўзмоқда. Саратон қуёши забтга олиб турган бўлса-да, қўли-қўлига тегмай гишт тараётган қурувчилар, қудратли техника ҳаракати бир дам тўхтагани йўқ. Бир вақтлар эътибордан четда қолган ҳудудда қад ростлаётган яшил шаҳар минглаб оилалар учун макон, меҳнат маскани бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

— Биринчи босқичда 140 хонадонга мўлжалланган етти қаватли учта уй қуришга киришдик, — дейди “Марғилон бинокор” МЧЖ иш юритувчиси Улуғбек Тошматов. — Янги уйлари Мустақиллик байрамимизга битказишни мақсад қилганмиз. Бетон плита ва гишт ишлаб чиқаришни корхонамизнинг ўзига йўлга қўйганмиз. Бу эса уйлари тез ва сифатли, арзон битказишда ўзига хос имконият берапти.

Умумий майдони 300 гектар ерда 40 минг аҳолига мўлжалланган йўлдош шаҳарча

бунёд этилмоқда. Жорий йилнинг ўзида 4362 хонали 80 та кўп қаватли уй-жой қад ростлайди. Шунингдек, 3 та мактабгача таълим ташкилоти, 2 та умумтаълим мактаби, 1 та тиббиёт муассасаси бунёд этилади. 60 гектар майдонда кичик саноат зонаси ишга туширилиши ҳисобига 24 мингта янги иш ўрни яратилади. Бунёдкорлик ишларига фарғоналиклар билан бирга Туркия, Эрон, Покистон, Япония, Жанубий Корея инвесторлари ҳам катта қизиқиш билдирмоқда. Туркиянинг “BTC Yapi A.S” компанияси 18-25 қаватли уйлар қуришга киришди.



## ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ

# БОЛАЛАРНИНГ МАРОҚЛИ ТАЪТИЛИ

Жиззах вилоятида болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумига пухта ва уюшқоқлик билан тайёрларлик қўрилди. Бу борада вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Жиззах вилояти кенгашининг қўшма қарори қабул қилиниб, 2022 йилда болаларнинг дам олиш ва соғломлаштириш мавсумига тайёрларлик қўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларга касаба уюшмалари томонидан имтиёзли йўлланмалар берилмоқда.

— Жорий йил вилоятдаги шаҳар ташқарисидида 10 та оромгоҳда 4 минг, таълим муассасаларида ташкил этилган 184 та соғломлаштириш майдончасида эса 15 мингдан зиёд болани соғломлаштириш режалаштирилган, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Жиззах вилояти кенгаши бўлим мудири Ш.Бахриддинов. — Шу кунгача 10 та стационар оромгоҳда 2047 нафар ҳамда мактаблар ҳузуридаги 184 та соғломлаштириш майдончасида 10 минг нафардан зиёд бола дам олиб, ўз уйларига қайтди.

Жиззах вилоятининг сўлим оромгоҳларига ҳар йили қорақалпоғистонлик кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари жалб қилинади. Айни пайтда Қорақалпоғистоннинг Ташқатқўр ва Беруний туманларидан 185 бола Зомин туманидаги “Энержи” ва “Зомин” болалар оромгоҳларида мароқли хордиқ чиқармоқда.

— Поезддан тушишимиз билан бизни тантанали кутиб олишди, — дейди қорақалпоғистонлик тарбиячи Равшан



Жумабоева. — Давлатимизнинг эътибори, қолаверса, халқимизнинг баргикенглигини кўриб, кўзимга қувонч кўз ёшлари келди. Шундай юртда яшаётганимдан фахрландим. Жиззах шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилдик. Атоқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов хайкали пойига гулчамбар қўйдик, музейини кўздан кечирдик. Бир ҳафтадан бери Зоминнинг сўлим жойида болаларимиз мароқли хордиқ чиқармоқда. Ҳамма шароитлар муҳайё. Болаларнинг кайфияти аъло, мириқиб ўйнамоқда.

Оромгоҳда ҳар кун турли танловлар, қизиқарли учрашувлар, интеллектуал ўйинлар, маданий-маърифий тадбирлар, спорт

— Экошаҳарга яқин ҳудудда яшаймиз, — дейди меҳнат фахрийси Метин Каримов. — Бу ерга тез-тез келиб, қурувчилар билан суҳбатлашиб тураман. Кўркам, чиройли уйлар қад ростлаётганини кўриб, фарзандларимга шу ердан уй-жой олишни мақсад қилганмиз. Чунки бу ерда яшашнинг завқи бошқача бўлиши хозирдан оқиб кўриниб турибди. Уйлар мақбул нархларда, узоқ муддатли кредит асосида берилиши ёшлар учун катта имконият.

Ўзига хос меъморий қиёфага эга шаҳарча лойиҳаси мамлакатимизда камёб саналади. Аҳоли учун яратилаётган шарт-шароит, инфратузилма, ижтимоий иншоотларнинг ўзаро ҳаммаҳанглиги экошаҳар ҳақиқатан ҳам намунали лойиҳа асосида қурилаётганидан далолат беради.

Шаҳар об-ҳавосини мўътадиллаштириш, ҳудудни обихаёт билан таъминлаш мақсадида янги канал қазилмоқда. Умумий узунлиги 10 километрдан ортиқ бўлган ариқ Фарғона туманининг Шодиева номидаги каналдан сув олади ва экошаҳар ҳудудидаги 70 гектар майдонда ташкил этилган “Янги Ўзбекистон” боғини сув билан таъминлаб, ҳаво ҳароратини меъёрига келтиришга хизмат қилади. Эрта кўкларда “Яшил макон” лойиҳаси доирасида янги боғда экилган ноёб дов-дараклар ривожини авжида. Манзарали дараклар орасида пиёда сайр қилиш, велосипедда ҳаракатланиш учун махсус йўлақлар қуришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

### Илгари бундай уйлар қурилмаган

Фарғона туманининг Миндонободидидаги 21 гектар майдонда қад ростлаётган “Янги Ўзбекистон” массиви кўхна маскан қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Бу ерда жами 1428 хонадонли 33 та уй-жой қуришга киришилди. Шу кунга қадар Фарғона туманида 7 ва 9 қаватли бинолар қурилмаган. Аксарият ҳолларда “сув чиқмайди, коммуникациямиз кўтармайди”, деган баҳоналарни рўқач қилиб, руҳсат беришмаган. Чунки уй-жой учун ер ажратиш, қандай уй қуриш “юқоридан” белгилаб берилган. Бундан ўн йиллар аввал туманда кўп қаватли уй-жойлар бармоқ билан санарли эди. Бугун эса уларнинг саноғига етиб бўлмади.

— Бу ерда 5, 7 ва 9 қаватли уй-жойлар қуриш борасида амалий ишлар бошланган, — дейди Фарғона тумани ҳокимлиги уй-жой қурилиши бўлими бош мутахассиси Одилбек Нўрмонов. — Айниқса, юқори қаватдаги уйлари сув билан мунтазам таъминлаш учун барча чоралар қўрилган. Шу мақсадда ҳудудда ичимлик ва оқова сув тизимлари қурилиши учун 7,5 миллиард сўм ажратилди. Натижада барча аҳоли ичимлик ва оқова сув тизимига уланади. Алоҳида табиий газ тармоқлари тортилди.

Мўҳими, бу ишлар шаҳар марказларидагина эмас, балки чекка ва олис ҳудудларда ҳам бўй кўрсатиб борапти. Жорий йилнинг ўзида массив шаклида 143 та кўп қаватли уй-жой қуриш ҳисобига 6738 та оилада уй тўйларини ўтказилади. Фақат бугина эмас, 2022 йилда аҳолининг уй-жойга талабини қондириш мақсадида шаҳар ва туманлар кесимида 8304 хонадонли 206 та уй-жой қурилмоқда.

муСОБАқалари ўтказилмоқда, қўғирчоқ театри томошалари намойиш этиляпти.

— Мен ҳар йили ёзги таътилда болалар оромгоҳларида дам оламан, — дейди Аҳмад Пиржонорова. — Зоминга биринчи марта келишим. Бу ернинг табиати, мусаффо об-ҳавоси, айниқса, оромгоҳда яратилган шароитлар жуда ёқди. Кўплаб танишлар, дўстлар орттирдим. Китоб ўқиш жону дилим. Шарқир сув бўйида, қалин арчазору дараклар соясида китоб ўқушнинг ўз гашти бор экан. Ҳар кун турли-туман кўнгилчор тадбирлар ўтказилади. Шулардан вақт топиб, албатта, китоб ўқийман.

— Мен Тахтақўпир туманидаги 6-мактабнинг 8-синфда ўқийман, — дейди Тўмарис Рейимқуллова. — Ота-онамдан узоқлашганим сабабми, аввалига озгина бўлса ҳам уй соғинчи бор эди. Бизни Жиззах темир йўл вокзалида жуда катта хурсандлик билан кутиб олишди. Уй соғинчи бир зумда тарқалди. Зоминнинг табиати мени мафтун этди. Оромгоҳ ёқди. Ҳар бир кунимиз жуда мароқли ва мазмунли ўтмоқда. Тенгдошларим билан турли спорт ўйинлари ўйнаймиз, ҳовузда сузамиз, фан тугарақларига қатнаймиз. Шундай гўзал табиат қўйида дам олаётганимдан хурсандим. Бу ердан қайтган, олган таассуротларим ҳақида мақола ёзмоқчиман.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси қўмағида “Биз бир элмиз, бир халқимиз, Янги Ўзбекистон бунёдкорларимиз!” шiori остида қорақалпоғистонлик болақонларнинг Жиззахдаги оромгоҳлардаги ёзги таътили, дарҳақиқат, мароқли, мазмунли ва таассуротларга бой ўтмоқда.

**Фарҳод НЕЪМАТОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



## Ёднома

БАҲОР, КЕТМА  
МЕНИНГ БОҒИМДАН

**Алиқул ХОНИМКҶУЛОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

Адабиётимизда ўзига хос ижодий мактаб яратган оташи ижодкор, Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймоннинг Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий қадриятларимиздан ғурурланиш ва ифтихор туйғулари сингдирилган асарларини халқимиз, адабиёт ихлосмандлари севиб мутолаа қилади. Шоир асарларининг маънавий тизимини юксалтириш, ён аждод тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олиб, шунигдек, адабнинг бой ижодий меросини чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш ҳамда унинг номини абадийлаштириш мақсадида жорий йил 9 июнь куни Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон уй-музейини ташкил этиш тўғрисида” ги қарори қабул қилинди.

Қарорда, уй-музей ҳовлисидида шоирнинг ҳайкалини ўрнатиш, уй-музей биносини реконструкция қилиш, қўшимча бинолар қуриш ва атрофини ободонлаштириш, 2022 йил охирига қадар уни фойдаланишга топшириш билан боғлиқ чора-тадбирлар назарда тутилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, юртимизда Президентимиз раҳбарлигида адабиётга, адабиёт орқали маънавиятга катта эътибор қаратилмоқда. Чекка ҳудудларда яшаб ўтган, бугун ижод қилаётган шоир ҳамда ёзувчилар меросини ўрганиш, китобларини чоп этиш, шу орқали ёшларимизда мутолаа маданиятини юксалтириш энг муҳим масалага айланмоқда. Сирдарё вилоятининг чекка бир қишлоғида яшаб, ижод қилган оташи шоир Тўра Сулаймон уй-музейини ташкил этишга ҳукумат миқёсида эътибор қаратилгани ҳам юқоридаги фикримиз исботидир.

Кўйида журналист ва адиб Алиқул Хонимқулловнинг Тўра Сулаймон ҳақидаги хотиралари билан танишасиз.

\*\*\*

Нонни санчқида олиб ермиш... Миш-мишининг бўйи-баста бўлмади, миллатио жинси бўлмади. У айтилади. У эшитилади. У тарқалади. Миш-миш тарқатувчи гашт қилади, роҳат қилади. Бўйи бир баравар ўсиб, танаси салкам тўрт эн кенгайди. У миш-мишга зўр беради. Кузлаган кимсани йўқитмоқчи бўлади. Уша одамнинг шаънини, номусини товон остига олиб эзгилашни бирам яхши кўрадики, бирам яхши кўради...

Юқоридаги миш-мишлар тарқалган кунларнинг бирида Тўра ака тонамга қуриб келди. “Сиз ҳам эшитдингизми?” Мен куламан. Кўнглига тегмасин, дея кафитми бир қол оғзимни ёпиб илжаёман. Аканинг бир қоси баланд, бир қоси паст бўлиб кетади. “Эй ака, бу игвогарлар нималар демайди. Уларнинг гапига қулқот тутаверсангиз, нақд жинни бўлиб қоласиз. Кўйинг, бошқа гаплардан гапласайлик. Дунёда мавзу қуриб кетибдимми?”

Тўра аканинг чиройи очилмади. Негаки, юзига тундлик расми чизиб кетади. Бов бармоғи ва шаҳодат бармоғи ила аввал оғзини, сўнг эса қолларини обдан силаб-сий-палагач, дейди: “Нега улур шунақанг паст бўлишадми-я. Нега улурнинг онаси номард қилиб тўққан-а?”

...Тўра ака тугилган кунлардан кўрқарди. Ўзининг юбилейларидан юраги безилларди. “Чўғни ана босаман, мана босаман, дегандек таҳлика билан кун ўтказарди. Ана шундай кунларда таниш-билишларининг, яқинларининг оғизга тикилиб гап қутарди. Яна нима игво тарқалди, деган ўйда юраги зирқираб турарди.

Бир куни бундай бўлди. Тўра ака билан бирга ишларди. Хонадаги телефон жиннинглади. Гушакнинг нариги томонидаги одам ваҳима қилар, бақариб-қаққарди. Тўра аканинг кузларига кўркүв пайди бўлди. Қопончи ит қувган соқов ҳолига тушди. Қанча зўрламлилик, кўзини бир нуқтадан узмай, тош бўлиб қотиб қолганди. “Бундай эмас-да энди, устоз! Гап демайсиз, сўз демайсиз?”

Тўра ака ўрнидан турди. “Қишлоқдаги уйимга ўт кетибди. Ҳозиргина шуни айтишди. Мол-дунём йўғу, барибир бошпанам-да у”.

— Битта гап айтими? Назаримда, сизга душманинги кўнгирик қияпти-ёв, мана кўрасиз. Ичи қора одам кўнгирик қияпти, сизни кўролмайдиган кимсалар юрагингиз қувватини суғуриб олмоқчи. Илтимос, жойингизга ўтиринг. Ҳозир мен Тўра Аҳмедов ҳўжализига телефон қиламан. Ҳаммаси ёлғонлиги аён бўлади-қолади, ташвишланманг.


Телефон қилдим. Аммо айтиб қўйя: ўзим ҳам хавотир қўчоғию довдираш исқанжасида эдим. Хайрият, хайрият ва яна бир бор хайрият! Ҳўжалик раиси аввал гап нимадалигини тушунмади. Ва ниҳоят, Тўра аканинг

тамом бўлаётганини айтганимдан ундан шундай жавобни эшитдим: “Ҳой муслмоннинг боласи, хўжалик тинч деялман-ку! Мана ҳозир аканинг кўчасидан ўтиб бораялман. Уйи ҳам, айвони ҳам, анорзору узузмори ҳам соғ-омон турибди...”

Ўзбек ўшлаб кўрмаса ишонмайди, деган гап бор. Тўра акага бердим. Бир гапни айтими, Тўра аканинг юзи сиражон одам эди. Хўжалик раҳбар билан беш даққа гурунг қилгач, юзидаги ажинлари балодек ёзилди. Қулди, кейин ўзини ростмана бўш қўйди. Қўлинг ўргилсин кайфият Тўра аканинг кўнгли дарвозасини тақиллатмасдан кириб келди-ю, шоирни бағрига олиб қўиб қолди. Тўра ака яйради. Тўра ака яш-нади. Кимдир хўроқандини тортиб олган ва яна қайтариб берган бола янглик ака ўзига йўқ шодумон эди.

Гап кўп. Сўз кўп. Воқеалар бисёр. Гапирман, десанг сира улурнинг адоғи кўринмайди. Тўра ака нимадир бўлди-ю, “Сирдарё ҳақиқати” газетасига ишга кириб қолди. Зўр шорлигинг, таникли ижодкорлигинг таҳририятдаги режа олдида уч пул эканлигини қошки бу одам билса! У асабийлашар, рўчкани тескари тишлаб қош қовоқ уяр, ён-атроф билан мулоқотни деярли тўхтатиб ташларди. Уша йиллари мен газетанда адабий котиб эдим.

— Алиқулжон, Махсум аканинг ошини ёб шунақа маза қилдимки, ўлган одам тирилик кетади-ёв, деб ўйладим. Сизам эркак, бизам эркак. Шу ўн беш кунлик лаънати



“строк”нинг сал кифтини келтиринг. Қўлинг ўргилсин ош мана биздан. Кўнглингиз суянган одамни қабатынгизга олиб ўтаверасиз. Мен кургур кўнмайман, денг. Қовоғимни уйиб, оғзида толкон бор одамдек жим ўтираман. Гапига-гап қўшмайман...

Бу шёрмиқан? Бу қўшиқмиқан? Эҳти-моқ, юрак ноласидир? Балки, дардир? Балки, “Одамлар, сизлар ҳам тушунинглр ахир!” деган нидодир. Умуман, Тўра Сулаймоннинг шёрни ундоқ эди, бундоқ эди, деб ёзишни мақсад қилиб қўйганим йўқ. Бунинг мен уддасидан ҳам чиқа олмайман. Унинг юқорида келтирилган сатрларини

Бу дунё ўткирни. Фақат асл нарсаларгина сақланиб қолади. Темирларда, қояларда, китобларда, одамларнинг қалбию хотираларини улар узок йиллар умргузаронлик қилади.

*Ўлмасликка ишора — ўланга ошиқлигим,  
Саодатга ишора — замонага ошиқлигим,  
Теранликка ишора — уммонга ошиқлигим,  
Гўзалликка ишора — бўстонага ошиқлигим,  
Баҳор, кетма менинг боғимдан.*

Буюклар сўзини ишлатиш ҳар доим одамни иккилантиради. Истихола пайдо қилади. Жимгина турайлик-да, устознинг бир-биридан гўзал шёрларини ёдга олайми. Ана шунда иккиланиш ҳам, истихола ҳам ном-нишонсиз қаергадир сингиб кетишини сезгандек, илган-гандек бўламан.

Ўқганимда томоғим ачийверади. Кўзу киприқларим орқалигида бир балолар бил-қиллаб-билқиллаб қўяверади. Шоирнинг зўрлигини мен шу нуқталарда кўраман. Бу нуқталар энтикканим, шодланганим, кўз ёшларим десам, илтимос, лаб бурманг. Утинаман, оғзингиз зийида совуқ илжайиш зоҳир бўлмасин.

Бахмалнинг Алдашман қишлоғида туғилиб, Мирзачўлда февраль адоғида кўксига чуқмомалар тақиб, сурув ордидан юрган шоир ҳаётда гашт қилиб яшади. Аввал чўпонга чўлик бўлди. Кейин ўзи сурув ордидан қадам ташлаб, янги туғилган кўзичоқларни эски чопонинг бағрида қуриб умргузаронлик қилди. Онаси тикиб берган латта халтада бир тўграм нон ва шёрлар машқ қиладиган дафтар бўлди. У ётиб ёзарди, у қўйлар ордидан югуриб ёзарди. У тўякорин соясига шёр битишинг ҳавосини олганди.

Мирзачўл шамоллари зах ерларнинг захини қуритарди. Шамоллар Тўра Сулаймонни қорайтириб юборди. У шу заминга, шу баланд-паст барханларга кўнгил қўйди.

Янги узилган қовунардек бўлиб бирин-кетин шёрни китоблари одамлар қўлига етиб бора бошлади. Мактаб ўқитувчиси бўлмиш Тўра Сулаймоннинг доврғи қишлоқни халтаб туманга ёйилди. Унинг номи тумани айлиниб ўтиб вилоятни, кейинчалик эса юртни забт этди. Тошкентдаги нашриётларда, турли уюшмаларда савлат тўкиб ўтираркан, танишу хешлари энди уни ўрнидан туриб қутиб оладиган бўлди. Буни қарангли, айнан ўша кезлари қишлоқда турли-туман паст-баланд гаплар тарқалди. “Тўра Сулаймон Тошкентга кетармиш. Пойтахтдан унга уй ажратилибди. Катта шоир биз билан девор-дармиён бўлиб яшармиди?”

Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйроқ на қилур, деган нақл бор. Аммо бу сафар ушбу нақлнинг асл маъноси ҳам сарик қақага арзишмайдиган бўлиб қолди. Тўра ака қишлоқни “жоним” дея бағрига босгандек бўлди. Одамларни эса “менинг бор-йўғим сизларку”, дея қабатига чорлади. Анор қўчалари ўтқази, узум новдалари бағ чқариб, новдалар қўёшга талпина бошлади. Олмаю шафтолилари ўғил-қизларининг лабларини ширадан қорайтириб юборди. У бўлди, бу бўлди, Тўра ака қишлоқдан жилмади. Этганини силтаб пойтахтга интилмади. Бу яхшими ёки ёмон? Буни фақат унинг ўзи биларди. Қоронғу ўйдаги нишонга беҳуда тош отишининг не кераги бор?!

Биз юқорида Тўра ака ўзининг юбилейлари яқинлашганида хавотир аралаш андак чўчиш билан яшаганини кистириб ўтиб эдик. Унинг ҳар бир юбилейи яқинлашганда Тошкентга юмалоқ хатлар гирил-лаб қоларди. Аста-аста у киши бу баланд-паст гапларга ҳам кўнжиб борди. Уни кўнпича муқофотларга, увнонларга тақдим қилишарди. Тўра ака эса буларни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Хайриятки, вилоятда виждонли одамлар талайгина. Асл шёрятини ўққанлар анчагина. Ва ниҳоят устозга Ўзбекистон халқ шоири унвони берилди.

Сирдарёда тўй бўлиб кетди. Байрам бўлиб кетди. Вилоят ҳокимияти аканинг юбилейини ўтказишга бош-қош бўлди. Мирзачўлдан олдин Бахмалдаги тантаналарни ҳам кистириб ўтсақ, нур устига нур бўлади. Шоирга халқ эҳтирими сифатида ўша даврнинг энг зўр автономили ҳадя этилди. Гулистондаги юбилейда эса Ўзбекистоннинг манаман деган ҳофизлари Тўра Сулаймоннинг қўлларидан тўғиб гўзал алёрлар айтишди.

Сўхбат-хотирамиз адоғига етмоқда. Тўра Сулаймонга аталган гап бўлмаса-да, бир нарсани тилга олгим келаверади. Бу одам ўзбекининг эрка шоири эканини барчангиз яхши билардингиз. Унинг шёрлари катта адабиятга дахлдор эканини яхши илгардингиз. Аммо, леким, бирок... қанчадан-қанча ивголар, қанчадан-қанча идлолар, қанчадан-қанча фиску фужурлар бу танти шоирнинг умрини қисқартирганини билардингизми?

## Мозий — ҳақиқат тарозиси

Улуғ аждодимиз, аллома, имом Абу Мансур Мотуридидий ҳақида, у зотнинг салоҳияти, ақида, фикҳ, тафсир илмига кўшган улкан ҳиссаси тўғрисида хос давраларда, анжуманларда кўп ва хўб эшитганмиз. Не ажабки, Ҳазрат иллари сурган таълимот, ҳаётий-диний тутум, фалсафа бугун ҳам ўз кучини, ўз долзарблигини йўқотган эмас. Зеро, турли мафуралар зимдан курашаётган, ҳар хил фикралар кўпайган ҳозирги даврда миллилатни, айниқса, ёшларни тарбиялашда, уларнинг маънавиятини ўстиришда, нотўғри йўллардан қайтаришда имом Мотуридидийнинг улугвор ғоялари, ўғитлари ўта муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари маънавиятга, маърифатга оид сўхбатларда улуг аждодларимиз таълимотиини кенг ёйишга, уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида бадиий асарлар, фильмлар яратишга даъват қилиб келади.

“ИМОМ МОТУРИДИЙ” —  
БИЗ КУТГАН АСАР

Чунки буюклар ибратини халқ орасида кенг тарғиб этишда, қалбларга синдиришда адабиётнинг ўрни каттадир. Шу нуқта назардан қараганда, яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида тақдимоти бўлиб ўтган, таникли адиб Луқмон Бўрихон қаламига мансуб “Имом Мотуридидий” романи худди шундай эзгу ниятда битилган, давр талабига мос, биз кўнган бери кутган асар бўлди, деб бе-малоп айтишимиз мумкин.

Романда сомониёлар замонасига хос тарихий воқеалар, жараёнлар қатида Ҳазрати имом сиймоси яққол намоён бўлади. Ўзбекистон Қадрами, ийрик адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров китоб соғи босишда таъкидлаганидек, ёзувчи Луқмон Бўрихон тарих саҳифаларида етиб келган маълумотларни мисқоллаб ййиб, ўрганиб, таҳлил ва талқин қилиб, буюк илоҳийтшунос олимнинг ҳаётий, инсоний қиёфасини бадиий тарзда ёритишга эришган. Роман мароқ билан ўқилади. Ўқувчини беҳад завқ-шаваққа кўмади. Ҳатто соҳа мутахассисларини ҳам баъзан зерик-тириб қўядиган илмий, ақидавий баҳс-мунозаралар ҳам қизикарли, ҳаяжонли ифода этилган. Энг муҳими, китобхон “Имом Мотуридидий”ни ўқиб шунчаки қизикарли, ҳаяжонли воқеалар занжирига ошуфта бўлиб қолмайди, балки қай-сидир маънода илмга ҳам эришади. Баҳс-мунозараларда кўтарилаётган масалаларнинг ҳақиқатини, ақида бобидаги устувор йўналишларни ўрганиб олади.

Бироз кенроқ таърифлайдиган бўлсак, роман бадиий асар бўлишига қарамасдан, уни ўқиган китобхон исломотнинг соф ақидасидан ўзига хос таълим олади. Аҳли суннат вал жамоат мазаҳибларининг эътиқодий масалалари Абу Мансур Мотуридидий номидан романдаги диалогларга моҳирлик билан синдириб юборилган. Фикримча, айнан мана шу асарнинг эфг асосий жухитидир. Чунки Пайғамбаримиз алайҳиссалом ва у зотнинг саҳобаларидан нақл қилинган ва ота-боболаримиз амал қилиб келган эътиқод масалаларини билиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва долзарбдир. Зеро, мана шу қадимий асосий эътиқодни, яъни аҳли суннат вал жамоат мазаҳибининг эътиқодий масалаларини билмаганлар адашиб, турли бузук ниятдаги янги чққан ақидалараст фикраларга эргшиб кетиши натижасида муқаддас исломот динимиз бузиб қўрсатилаётгани, бундай адашган ёшлар эса дунё хаммаиятга катта ташвиш келтириб чиқарётгани бугун барчага маълум. Бир ийрик халқаро конференцияда таъкидланганидек, бунинг давоси — буюк бобоклонимиз Абу Мансур Мотуридидий ҳазратлари кўрсатиб берган йўлдан юрмоқ ва ул зотнинг таълимотига амал қилмоқдир.

Асарнинг тағин бир эътиборли жиҳати шундаки, гарчанд у мактобга лойиқ улуг зот ҳақида бўлса-да, муаллиф қаҳрамонини кўр-қўрона, баландларга сатрлар тизмаси билан мадҳ этишдан қўчоди. Унинг дарवेशона қиёфаси ва фель-атворини, худди шу содда, оддий сурат остига улкан қалб, улкан билим, мустаҳкам эътиқод ҳо бўлгани самийи сатрларда маҳорат билан ифодалади. У кишининг севгиси ҳам бошқача: ҳаёлотига жонланган пок, хур, гўзал сиймога кўнгли қўяди. Бу ерда адиб тасавуф унсурларини яхши билиши, уллардан унумли фойдалангани кўриниб турибди. Асарда имом Абу Мансур Мотуридидийнинг баҳс-мунозараларга сабаб масалаларнинг моҳиятини чуқур англаши, билимдонлиги, закийлиги ишонarli, теран ифодаланган. Шунингдек, у зотнинг мардлик, хозиржавоблик, олижаноблик каби инсоний хусусиятлари ҳам сатрлар аро яққол кўринади. Умуман, Луқмон Бўрихон қаламига мансуб мазкур романда деярли барча образлар, персонажлар пухта ишланган. Муаллиф, гарчанд салбий йўсиндаги образлар бўлишига қарамай, Восиқ Лаълий, Идрис Шомий каби образларни қоп-қора

ранга бўяб ташламайди. Уларнинг, аввало, илм эгалари эканлигини доимо назарда тутати. Илм эгалари эса, табиийки, қатор инсоний фазилатлардан холи бўлмайди. Масалан, Восиқ Лаълий ўз насабига бино қўйиш, ҳасадга берилиш оқибатида болалик чоғларидан бери дусти бўлган инсоннинг рақибига айланса-да, уни тез-тез виждон безовта қилиб туради. Жумладан, ҳоким имом Абу Мансури жазабаси учун кетганини эшитиб изтиробга тушади, Мотуридидийнинг ўлдирилишини асло хоҳламайди. Кўнгли-да тавба-тазауррға, соғинчга ўхшаш эзгу уйлар чарх уради. Муҳаммад билан баҳслашиш учун унинг уйига борган Восиқнинг кечинмасини ёзувчи қўлидаги ифодалади: “Восиқ ва Муҳаммад кучоқ очиб қўришдилар. Восиқ дўстини бағрига босаркан, унинг озиб-тўзиб, бир тутамгина бўлиб қолганини пайқайди. Укинчми, меҳрми, шафқатми кўнглидан лип этиб ўтди”.

Шу парчада ҳам биз ҳасад гирдобида сарсон юрган виждоннинг гира-шира шарпасини илғаймиз.

Романдаги Холид Халаж образи ҳам ўзига хос. У табиятан мард, жасур жангчи. Салтанатга, динга садоқати бисёр. Лекин у очик душман билан майдонда савашишга ўрганган, ҳолос. Тақдир тақозасига қўра, Самарқандга муваққат ҳоким бўлгач, олимлар ўртасидаги зиддиятларга, фитналарга дуч келади. Ҳамама аҳли илми ҳам зиёли, тақводар деб қилини учун осонгина алданари, қарама-қаршилиқлар гирдобида қолади. Сири фош бўлган Шомийни қатл қилган лаҳзадаги унинг рўҳий ҳолатини ёзувчи чиройли, сермазmun ифодалади: “Холид Халаж худди хумори босилган майҳурдай энтиқиб, сузилиб турарди. У қози томонидан бўлган адолатини, оғи синани, аҳли пешево тилини тополмай хотинива қуни қолгани, ҳамма-хаммаси учун гўё қасос олган эди”.

Сомониёлар ҳукмронлиги даврида илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат гуллаб-яшнагани тарихий асарлардан маълум. Луқмон Бўрихоннинг “Имом Мотуридидий” романида жонлантирилган амир Аҳмад Сомоний образи ҳам ёрқин бўёқларда ўқувчига тақдим этилган. Мазкур шахснинг илмга, эътиқод масалаларига ғоят эътиборли эканлиги таъсирчан, жонли лавҳаларда ўз аксини топган. Дарवेशона либосида ҳазрат Мотуридидий эибратига бориши, саройда ғоят жиддий билан олимлар баҳсини ташкил этиши, динга, илмга муносабати шулар жумласидан. Аҳмад Сомоний образи орқали ўтмишда барча ҳукмдорлар ҳам солим, жоҳил бўлмаганига, уллар орасида адолатни, эътиқод софлигини, халқ манфаатини жиҳду жаҳд билан ҳимоя қилганлари ҳам қўнглига яна бир қарра ғўву бўламан.

Албатта, мен бир оддий ўқувчи сифатида роман мутолааси жараёнида ўзим илган жихатларга бироз тўхталиб ўтдим, ҳолос. Унинг бадиий хусусиятларини, ёзувчининг маҳоратини кенг ва чуқур таҳлил қилиш, таърифташ адабиётшунослик мутахассисларига ҳавола. Лекин фурсатдан фойдаланмай, мазкур асарнинг энг муҳим хислатини тилга олиб ўтишни истардим. Луқмон Бўрихон аллома Абу Мансур Мотуридидий ҳаёти ва ижоди ҳақида қалам тебратар экан, у зотнинг фаолиятидаги бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини, аҳамиятини йўқотган кирраларини бўрттириб қўрсатади. Ҳазрат имомнинг эътиқодга собиқлиги, исломот ақидасининг жасур муҳофизат эканлиги, диний бағрикенглиги, илмга интилиши, илмгина дунёни кўтаради, деб билиши шулар жумласидан. Холид Халаж маҳкум Шомийни қатл қилгач, Ҳазратнинг изтироб билан айтган қўйдаги сўзлари гўё бугуннинг ҳам шоири каби жанрангадир:

— Қўлчи иши? Ўл саваш майдонида эмасму? Ахир Идрис Шомий бу ён тўғ ўқталиб келмади. Анича яроғи фикр эди, ғоя эди. Фикрни фикр ила, ғояни ғоя ила даф этмок, буни ахли илми, ахли қалам бажармок лозим эди”.

Бугун мамлакатимизда ўлим борилаётган оқилона, одилона сиёсатнинг тул муҳиятида юртимизни барча соҳаларда равнақ топтириш, халқ фаровонлиги, Ватаннимиз шону шухратини дунёга ёйишдек эзгу ғоялар ётибди. Бунинг учун миллатни, айниқса, ёшларни юксак маънавият, маърифат рўҳида тарбиялаш лозим саналади. Шунинг учун ҳам Президентимиз томонидан илмга, таълимга, адабиёт ва санъатга бемисл қаражада эътибор қаратилган. Чунки мазкур соҳаларини таълим-тарбия, рўҳий юксалиш борасидаги энг муҳим омиллар сирасига кирди.

Шу нуқта назардан олиб қараганда, ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг “Имом Мотуридидий” романи биз юқорида тилга олган эзгу мақсадларга хизмат қилишига ишонамиз. Янги Ўзбекистоннинг янгица дунёқарашига, янгица мавқега мос шундай гўзал, сермазmun асарлар кўпаяверсин.

**Масъудхон ИСМОИЛОВ,  
Ўзбекистон халқаро  
ислом академияси доценти,  
тарих фанлари номзоди**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК маъсул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибят: (0-371) 233-56-60 Ёлпонар: (0-371) 233-57-15 Е-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридagi Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
**Нашр индекси** — 236 **Буюртма** Г-764.  
82285 нусхада босилди.

**Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзоҳ Ғафуров  
Мусаҳҳис: Умар Қодиров  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзиллими:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ў.А яқуни — 02:15 Топширилди — 03:15